O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 1-aprel, 2009-yil • №15 (619) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@mail.ru • www.uzhurriyat.uz

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ярмаркада 780 та корхона ўзининг 12 минг бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

⇨ 3-бет

ОҲУЛАР ОҲ УРМАСИН



Оҳуларни ҳайвонот боғларида эмас, табиат қўйнида кўриш биз учун бир пайтлар орзу эди. Бундай ноёб жониворлар сонини кўпайтириш учун сидқидилдан ҳаракат қилаётган инсонлар бор экан, орзуларимиз рўёбга чиқса, не ажаб.

⇨ 6-бет

БОЛАЛАР ҲАҚИДА ЯНА БИР ФИЛЬМ

"Чол ва набира" фильмидаги ютуқларни санаб ўтмаслик ҳам инсофдан эмас, албатта. Ундаги ёш боланинг гап-сўзларини, дунёқарашини, фикрлашини очиб беришга бўлган уринишлар самарасиз кетмаган. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, Рихсивой Муҳаммаджонов фильмни суратга олишдан олдин болалар характерини яхши ўргангани яққол сезилади.

⇨ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **Шу йилнинг 31 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Уммон Султонлиги миллий иқтисодиёт вазири, Молиявий ишлар ва энергетик ресурслар бўйича кенгаш раисининг ўринбосари Аҳмад бин Абдунаби Маккийни қабул қилди.**
Аҳмад бин Абдунаби Маккий самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Уммон Султонлиги Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни барча соҳаларда ривожлантиришдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.
Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

■ 30 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти "Агробанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорга имзо чекди. "Агробанк" АТБ очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинади ҳамда мулкий, молиявий ва бошқа мажбуриятлар бўйича, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари сақланиши ва ўз вақтида қайтарилишини кафолатловчи талаблар бўйича "Пахтабанк" АТБ нинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

■ **30 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки очиқ акциядорлик жамияти шаклида ташкил этиладиган ҳамда бошқа мажбуриятлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини сақлаш ҳамда ўз вақтида қайтаришни кафолатловчи талаблар бўйича "Ғалла-банк" акциядорлик тижорат банкининг негизида ташкил этилди.**

■ 28 март куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди. Икки иш куни мобайнида мажлисда йигирма учта масала, шу жумладан 13 та қонун кўриб чиқилди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан 60 нафардан ортиқ сенатор сўзга чиқди.

■ **Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида ўтказиладиган "Ташаббус—2009" кўрик-танловининг якуний, республика босқичи бўлиб ўтди.**

БАҲОР НАФАСИ

Оқтўш қалдирғочга қўшни яшаймиз

Уни гоҳо келинчакка ўхшатишади. Ҳовли супурганда ҳам, сигир соғганда ҳам, куви пишганида ҳам ийманиш аталган ҳислар манамен, деб турган келинчакка.

Келинчакка ўхшовчи кўклам жуда тортинчоқ. Тортинчоқ бўлса-да баъзи-баъзида узун енглари билан юзларини ёпиб жилмайиб қўйишни хуш кўради. Аввал кунгай тепаликлардаги мингбиржон аталмиш майсалар барг кўрсатади-ю улардан аввалроқ, февраль изғиринлари давом этаётган кезларда шошқалоқ момоқаймоқлар қиқирлайди. Улар кўкдаги олачалпоқ булутлар билан яшинмачоқ ўйнашни яхши кўради. Офтоб юзидаги булутлар қайгадир сузиб кетса, момоқаймоқ тушмагур ёш боладек қиқирқиқир қилади. Булут офтоб юзини тўсдими бас: улар гулкосаларни бужмайтириб қаймоқ етмай қолган қизалокдек қавоқ уюшади. Офтоб уларнинг жону дили. Ким билсин, эҳтимол улар офтобни биздан-да кўпроқ суюшар...

Ариқ бўйларидаги ялпизларнинг ўтган йилги новвотранг новдаларида шудрингни эслатувчи яшил куртаклар пайдо бўлади. Уларни сичқон қулоқларига қиёсласа-да кишининг ҳаққи кетмайди. Офтоброқ жойларда лаққа балиқнинг мўйловларидай бўлиб яккам-дуккам чучмомалар бўй кўрсатади.

Кўкламни қутлаш, унинг яноқларидан бўсалар олиш маросимида улоқ барибир бинафшада кетади. Бу маросимда бодомларга тенг келувчи дов-дарахтни топиш эса амримаҳол.

(Давоми 2-бетда.)

ВАТАН ВА ХАЛҚ ОЛДИДАГИ БУРЧ

Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш масаласи Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу жараёнда умумэътироф этилган демократик тамойиллар ва миллий қадриятларимиз мустаҳкам қарор топиши, жамоатчилик фикрини шакллантириш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга кенг таништиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Шу жиҳатдан миллий журналистикамизни ривожлантириш, унинг мустақил ва холис фаолият юритиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, соҳа ходимларига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод ҒУЛОМОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирига бу хусусда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари тараққиётида тамомила янги ривожланиш босқичи бошланди, — дейди Ш.Ғуломов. — Оммавий ахборот воситаларимизда халқимизнинг эзгу орзу-умидлари, мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг барча соҳаларда эришаётган муваффақиятлари ўз ифодасини топмоқда. Оммавий ахборот воситалари миллий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишга фаол хизмат қилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, эркин фикр билдириш ва ахборот олиш эркинлигини таъминлаш, уларнинг фаолиятига умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва демократик андозаларни жорий этиш масалаларига мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилишнинг ғоят муҳим шарти сифатида қаралмоқда. Бу борада мустаҳкам қонуний асос яратилгани ахборот соҳасини жадал, изчил ва эркин ривожлантириш учун шарт-шароит яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида матбуот ва сўз эркинлигини таъминловчи қоидалар мустаҳкамланганлиги оммавий ахборот воситалари чинакам эркин фаолият юритишининг ҳуқуқий кафолати бўлиб, жамиятнинг янгиланиши жараёнида муҳим аҳамият касб этаётир.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид бир қатор қонунлар қабул қилинди. Цензурага, ахборотнинг монополлаштирилишига йўл қўйилмаслиги, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатиш ҳуқуқлари, журналистларнинг профессионал фаолиятини кафолатлаш ва ҳимоя қилиш қонунан белгиланган, оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш қоидалари соддалаштирилган. Эътиборли жиҳати, журналист текшируви ҳуқуқи қатъий белгилаб қўйилган. Айни чоғда соҳа фаолиятига доир мавжуд ҳуқуқий асослар халқаро андозалар ва давр талаби асосида изчил такомиллаштириб борилмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда оммавий ахборот воситалари сон, сифат ва таркиб жиҳатдан юксалмоқда. Бугун мамлакатимизда мингдан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Улар хилма-хил фикр ва қарашлар минбаридир.

Мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор самарасида нодавлат радио ва телестанциялар, босма нашрлар ва агентликлар тармоғи жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Электрон оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази каби ташкилотларнинг самарали фаолият кўрсатаётгани ахборот соҳасида нодавлат институтлар ва тузилмаларни ривожлантириш учун зарур барча шароитлар яратилганидан яна бир далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда қайси соҳада бўлмасин, амалга оширилаётган барча ислоҳот ва ўзгаришлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлашга бош мақсад сифатида қаралади. Шу жумладан, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантиришга, уларнинг меҳнат шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Фармонига биноан мамлакатимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳар йили 27 июнь куни ўзларининг касб байрамини кенг нишонлаб келмоқдалар.

Миллий матбуотимиз ривожи йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган кўплаб ҳамкасбларимиз ҳар йили Президентимизнинг фармонларига биноан Ватанимизнинг юксак унвон ва мукофотлари, орден ва медаллари билан тақдирланмоқда.

4 »

МУЛОҲАЗА

ҲОЗИРЖАВОБЛИК, ХОЛИСЛИК, ДАДИЛЛИК

бугунги журналистнинг вазифаси бўлиши керак

Очиқ-ойдин айтиш керакки, журналист жамият, мамлакат ҳаёти, давлат фаолиятида кечаётган жараёнлар, воқеа-ҳодисаларнинг лоқайд томошабини, кузатувчиси эмас. У замон ва маконнинг жўшқин ижодкори, ўз даврининг солномачиси. Мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунларимиз эркин ижод қилиш, йил сайин қадди-бастини тиклаб бораётган шу азиз Ватан, унинг умидли ва ёрқин келажаги учун хизмат қилишга бел боғлаган, давр воқеа-ҳодисаларига муносабатда давлатимиз раҳбари айтганидек, «мухолиф сифатида фаолият кўрсатадиган» журналистлар учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Қўпинча ижодкорлар даврасида сўз масъулияти хусусида тортишувлар бўлиб қолади. Албатта, босма сўзнинг масъулияти беқиёс. Шу боис ҳам халқимизнинг етти ўлчаб бир кесиш ҳақидаги мақоли, айни журналистлар сўзи ҳақида гап кетганда, беш чандон, ўн чандон оғирроқ тош босади деб ўйлайман.

Маълумки, истиқлол шарофати билан замондошларимиз онгида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Сўз эркинлиги журналистларни неча ўн йилликлар мобайнидаги карахтликдан халос этиб, матбуотга муносабатни ўзгартириб юборди. Эндиликда газетхонларни эски қолиплардаги материаллар билан қизиқтириб бўлмайди. Телевидение, интернет ривожланган, хилма-хил нашрлар кўпайган бир пайтда ўқувчи эътиборини ўз чиқишларига жалб қилиш маҳорати журналист учун тобора муаммога айланиб бормоқда.

Албатта, таъсирчан, тўғри сўзнинг оҳанграбоси ҳамиша кучли. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳақиқий ижодкор ўз фикрини сўз воситасида ифодалаш учун имкон излаган. Ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг ноқобил ҳукмдорлар, айрим шайхлар ҳақидаги мисраларини эсланг, ё Гоголнинг "Ревизор"ини олинг.

4 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

Қарор ҳали тасдиқланмаган

Буюк Британия қуруқликдаги қўшинлари бош штаби бошлиғи Ричард Даннатнинг таъкидлашича, расмий Лондон Афғонистондаги аскарлари сонини кўпайтиради. Хабарда Афғонистонга Англиянинг қуруқликдаги қўшинларининг 12 механизациялашган бригадаси юборилиши айтилган. Бу бригадада 4 минг нафар аскар хизмат қилади. Аммо уларнинг қанчаси оловли нуқтага йўл олиши ҳозирча номаълум. Норасмий маълумотларда 1700 дан 2000 нафаргача аскарлар юборилиши мумкинлиги айтилмоқда. Ҳозирда Афғонистонда 8 минг нафар Буюк Британия аскарлари бор. Қўшинларни кўпайтириш тўғрисидаги қарорни ҳали ҳукумат тасдиқлагани йўқ.

(Дунё сиёсатига оид хабарларнинг давоми бешинчи саҳифада)

5 »

Оқтўш қалдирғочга қўшни яшаймиз

(Бошланиши 1-бетда.)

Ғолиблар сафига югуриб-елиб мажнунтоллар қўшилади. Сафнинг олдинги қаторларида кумушранг сирғалар таққан: бақатераклар кўриниб қолади.

Кейин гал ўрикларга етиб келади. Ўриклар шохи бирам қизариб кетадики, асти қўяверасиз. Ҳар тонг кўзларимиз ана шу қизариб кетган новдалардан муждалар кутиб турганини илғаб қоламиз.

Қишлоғу шаҳар кўчаларида нафталин ҳидлари мастона кезинади. Уларнинг атир ҳидлари хапчин тутганча олдиларига солиб қувлаб юради.

Ер офтоб теграсида тезроқ айлана бошлагандек туюлади. Кишилар айвону дарвозахоналаридаги қалдирғочларнинг эски уяларига соғинч ила тикилиб-тикилиб қўйишади.

Кўп ўтмай олис тоғлар чўққиларини офтобнинг қизил нурлари бир ялаб қўяди. Ўша томонларда бир қучоқ, оппоқ нур кўринади. Челаклар шиқирлайди. Сумалаклар устига ташланган кўрпачалар олиб қўйилади. Атрофни ҳеч бир таомнинг ҳидига ўхшамайдиган бир ҳид босиб кетади. Болакайлар уйғонишади. Косалар қўлма-қўл бўлади. Тош йўллару жин кўчаларда момолар, жувонлар, сепкилли ва сепкилсиз қизлар сумалак кўтарганча уй-уйларига тарқалишади.

Энди кўклам ростмана забт эта бошлайди. Кўксомса, кўкчучвара, ҳалим пишириш маросимлари кунларнинг, ҳафталарнинг тинкасини қуритади. Бу паллада чаман бўлиб беҳилар гуллайди. Олмаларнинг нафармон ва пушти гуллари элларда париллаб учади.

Ана шундай тонгларнинг бирида ҳовли супураётган аёл чапак чалиб юборади. Эрини, болаларини уйғотиб ялангоёқ бўлиб дарвозахонага чопади. Эски уяда бир жуфт оқтуш қалдирғочларни кўриб уларнинг кўзлари қувончдан ёниб кетади...

Энди буғдой майсаларига сув очилади. Боғлардаги илонизи ариқларда оқаётган сувлар яли-яли айта бошлайди. Аллёрлар билан яллалар бир-бирига эш бўлиб кетади. Эт билан тирноқ тўлиб кетади. Одамлар яна қалдирғочлар билан қўшни бўлиб яшашнинг гаштини сура бошлайдилар. Улар субҳичоғни яна бирга кутиб олиш завқидан маст бўла бошлайдилар.

Ана шундай гўзаллик, сеҳр ва мастоналик билан юртимизга Баҳор, Наврўз ташриф буюрди. Уйғониш ва яшариш фасли муборак бўлсин!

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,
Боёвут тумани "Тараққиёт" хўжалиги.

ХАБАР

Ўқув курси давом этмоқда

Адлия вазирлиги ташаббуси билан вазирлик ва унинг тизимига кирувчи муассасалар фаолияти, уларда олиб борилаётган ислоҳотлар билан боғлиқ материаллар сифат ва мазмундорлигини ошириш ва бу билан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида, Республика Юристлар малакасини ошириш марказида 60 нафарга яқин журналистлар ҳамда ҳududий адлия бошқармаларининг ахборот хизматига масъуллар учун ташкил этилган махсус ўқув курси давом этмоқда.

Ўқув курсининг тингловчилари дастлаб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида "Прокуратура тизими фаолиятини матбуотда ёритиш амалиёти, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати тажрибаси" мавзусида амалий машғулот ўтадилар. Амалий машғулот давомида Бош прокуратура Матбуот хизмати раҳбари Светлана Ортиқова томонидан тингловчиларга прокуратура тизими фаолиятининг ошкоралиги, ОАВ вакиллари билан ҳамкорликни янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлар, оммавий ахборот воситаларида юридик тилдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумотлар берилди. Шундан сўнг тингловчилар амалий машғулотни давом эттириш учун Адлия вазирлигига ташриф буюришди. Амалиёт давомида вазирликнинг ахборот хизмати, ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси фаолияти, вазирлик муассислигидаги "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси ҳамда "Ҳуқуқ ва бурч" журналида ҳуқуқий мавзудаги материалларнинг берилиш тажрибаси ва усуллари юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашишди. Шунингдек, вазирликда ташкил этилган марказ томонидан ишлаб чиқилган "Lex.UZ" Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси билан яқиндан танишишди. Машғулотлар давомида тажрибали журналистлар томонидан мастер-класслар ташкил этилди.

Куни кеча эса тингловчилар ўқув режага кўра, "Hurriyat" мустақил газетаси таҳририятида ҳам бўлиб, нашрда ҳуқуқий мавзуларнинг ёритилиши, газетанинг жамиятимиз тараққиётида тутган ўрни хусусида ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишди.

Адлия вазирлиги ахборот хизмати

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

МУНОСАБАТ МУЛОҲАЗАГА УНДАДИ

«Қарорини ўзи бажармаган раҳбар ёки Қамаши туман ҳокимининг "кўнгилчанлиги" хусусида" деб номланган («Hurriyat», 2009 йил 11 март) мақоладан кейинги воқеалар тўғрисида

Танқидий мақолага муносабат турлича бўлиши аён. Албатта, «урилган» томон ўзини оппоқ қилиб кўрсатиш ҳаракатига тушади, аризагўй, турган гап, таҳририятдан миннатдор эканини таъкидлайди. Шу маънода «Қарорини ўзи бажармаган раҳбар ёки Қамаши туман ҳокимининг "кўнгилчанлиги" хусусида» деб номланган мақоласи юзасидан билдирилган муносабатларни тўғри тушундик: Қамаши туман ҳокими Рашид Муҳаммадиевнинг бир неча марта телефон орқали, гоҳида андек пўписа оҳангида, мақола асоссиз экани мазмунидаги гапларини ҳам, аризагўй, жумладан «Шаҳзод» фермер хўжалиги бошлиғи Б. Эшалиевнинг ташаккурона мулоҳазаларини ҳам...

Мақолада кўтарилган муаммо ўқувчиларимизга маълум: туман ҳокими битта ер учун аввал бир фермерга, сўнгра 3 ой ўтиб яна ўша ерга иккинчи фермерга қарор чиқарди.

Ким нима демасин, факт – фактлигича қолади. Яъниким, айни кунда «Шаҳзод» фермер хўжалиги бошлиғи қўлида ҳам, унинг «рақиби» - «Боймурод Сарбон ўғли Ҳасан» фермер хўжалиги раҳбарининг қўлида ҳам ўзларига қарашли хўжаликларга Гагарин массиви ҳудудидаги 23-контурдан 22 гектарга яқин ер ажратилгани тўғрисида туман ҳокимининг қарорлари мавжуд! Иккала қарор ўртасидаги фарқ шундаки, «Шаҳзод»га аввалроқ (24.11.2008й. Х-2389/2-сон), «Боймурод Сарбон ўғли Ҳасан»га эса кейинроқ (24.02. 2009й. Х-90/2-сон) чиққан. Бундай "эгизак" қарорлар чиқишига сабаб бўлган омил-у баҳоналар хусусида аввалги мақолада қисман тўхталиб ўтилгани боис, такрорлаб ўтирмаймиз. Вазиятга изоҳни ҳоким бувасининг ўзидан эшитсак.

Р. Муҳаммадиевнинг айтишича, «Шаҳзод» фермер хўжалиги қўлидаги қарор... сохта бўлиши мумкин экан! Турган гап, бу баҳона «ёпишмайди», сабаби ҳоким сохта деяётган қарор ўз вақтида вилоят ҳокимлиги томонидан (15.01.2009й. Х-23/1-сон) тасдиқланган! Айни шуни ҳоким бувага эслатгандик, дарҳол «пластинка» бошқача айлана бошлади: «Шаҳзод» фермер хўжалиги ерни ихтиёрий қайтариб бериш ҳақида ариза берган!»

Қани ўша ариза?

Р. Муҳаммадиев шу бугунок (телефонда гаплашган кун, яъни 12 март) фермер аризасини факс орқали ташлаб берилишини айтиб, суҳбатга якун ясагандек бўлди. Бироқ ўша куни эмас, тўрт кун (!) деганда «ариза» нусхаси факс орқали юборилди. «Ариза»ни кўриб, ўтган тўрт кун мобайнида ҳоким бува анчайин «риёзат» чекканини илғагандай бўлдик.

Гап шундаки, аризада ҳақиқатдан ҳам гўёки «Шаҳзод» фермер хўжалигининг бошлиғи Б. Эшалиев туман ҳокимига мурожаат этиб, ихтиёридаги 23-контурдаги ерни "қайтариб олишини" сўрабди. Бир қарашда ариза рисоладагидай: унда ҳамма нарса аниқ-тиниқ ёзилган: фермернинг имзоси, ҳатто муҳри ҳам бор. Бироқ ариза ёзилган санаси йўқ. Шунга қарамай у («ариза») 16.02. 2009 й. санаси билан ҳокимиятда рўйхатдан ўтказилган, шу куннинг ўзидаёқ ҳоким уни имзоси ила «Ишчи гуруҳига» чиқарган. «Ишчи гуруҳи» ҳам оперативлик билан ўрганиб, тегишли ҳужжатларни тахт қилган чоғи, икки кун мобайнида ҳокимнинг «Шаҳзод»га ажратилган ер майдонининг 21,48 гектарини туман ҳокимлиги захира ер ҳисобига қайтариш ҳақида қарори (18.02.2009й. Х-92\2-сон) чиқмоқда. Орадан олти кун ўтмай мазкур ер майдони «Боймурод Сарбон ўғли Ҳасан»га берилаётир...

Эътиборимизни тортган нарса фермернинг гўёки ердан ихтиёрий равишда воз кечганини билдирувчи аризаси компьютерда, чиройлик қилиб ёзилган.

(Давоми 5-бетда.)

ЁШ ОИЛА ҚУВОНЧИ

Ўтган йили Янгибозор туманидаги Ширинқўнғирот қишлоғида истиқомат қилувчи ички ишлар бўлимининг ёнғинга қарши кураш хизмати ходими Руслан Тўрабоев "Асака" банкининг туман бўлимидан йигирма беш миллион сўм имтиёзли кредит олиб, янги уй харид қилганди.

Ҳозирги кунда ёш оила ана шу уйда истиқомат қилаяпти. Яқинда оила қувончига қувонч қўшилди. Янги иморатда учинчи фарзанд дунёга келди.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ВАЗИРЛИКДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Фавқулодда вазиятлар вазирлигида "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш чора-тадбирлари" мавзуидаги матбуот брифинги ўтказилди.

1994 йил 4 март куни Ўзбекистон Президентининг Фармонига асосан ташкил этилган Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Брифингда келгусидаги режалар хусусида ҳам атрофлича фикр юритилиб, оммавий ахборот воситалари ва вазирлик ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Элбек ЖУМАНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

НАВРЎЗ ШУКУҲИ

Янгийўл туманидаги "Баҳор" маҳалласининг "Наврўз" чойхонасида "Ўткир" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси томонидан байрам тадбири ташкил этилди.

Шу куни дошқозонда ош дамланди. Сумалак, ҳалим, кўксомса каби Наврўзнинг бир қатор тансиқ таомлари тайёрланиб, дастурхонга тортилди. Дастлаб, маҳалла раиси Адҳам Аҳмаджонов ва "Ўткир" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Гулчеҳра Маҳмудовалар сўзга чиқиб, Наврўзи олам билан иштирокчиларни қутлади. Шундан сўнг 15-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг байрам дастури намойиш этилди. Тантана давомида маҳалла келинларининг "Ибратли келин" кўрик-танлови ўтказилиши тадбирга ўзгача файз киритди. Тадбир сўнгида севимли хонанда-ю, қизиқчиларнинг чиқишлари йиғилганлар кўнглига завқ-шавқ улашди.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

АЛДАНГАНЛАР ҚИСМАТИ

Хўжайли туманида истиқомат қилувчи Ахмет Қалимбетов таниши Гулнора Ҳакимниязова билан жиноий тил бириктириб, 2007 йил 19 февраль куни 35 нафар фуқарони алдов йўли билан қўшни Қозоғистон Республикасига олиб кетади.

Улар Алмати шаҳрида Турдигул Абдукаримова номли шахс орқали 35 фуқаронинг 22 нафарини Женя исмли кимсага ҳар бирини саккиз минг Қозоғистон тенгеси ҳисобига сотиб юборади. Алданган одамлар Алмати вилояти Илин туманининг Али овулидаги фермер хўжаликларида жонини жабборга бериб, меҳнат қилишади, аммо иш ҳақларини тўлиқ олишолмайди.

Беруний туманида яшовчи Қўчқор Аллам-бергенов ҳам 2007 йилнинг ёзида О.Атажонов, Н.Матмуратов, Г.Жумабаевларни Қозоғистон Республикасига сизларбоп "иш бор", деб олиб кетади ҳамда уларни Роза исмли аёлга паспортлари билан топширади. Нафс балосига йўлиққан Қ.Аллам-бергенов юртдошларининг беш ой давомида ишлаб топган пулларини — жумладан, Н.Матмуратов ва О.Атажоновнинг 2 миллион сўмдан, Г.Жумабаеванинг эса 600 минг сўмдан кўпроқ маблағини жиғилдонидан ўтказиб юборган.

Сирлар фош бўлиб, одам савдоси билан шуғулланган бу жиноятчилар суд ҳукмига биноан тегишли жазога тортилдилар.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЮҚОРИ СИФАТЛИ УН

"Қоракўлдонмаҳсулотлари" корхонаси узоқ муддатга олинган кредит эвазига Туркиянинг "Генч дегирмон" фирмасидан янги технологиялар олиб келди.

Эндиликда корхона замонавий технология ёрдамида 1- ва 2- навлдаги сифатли ун ҳамда нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди. 295 кишидан таркиб топган жамоа бир кеча-кундузда 120 тонна буғдойни юқори сифат билан қайта ишлаш қувватига эга.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЖАВОБ

Ишга жойлаштирилди

"Hurriyat" газетасининг 2009 йил 4 февраль кунидаги сонида "Икки ойлик меҳнат шартномаси ёки олий маълумотли мутахассис Тоҳир Худойбердиев нега уч йилдан буён ишга қабул қилинмаяпти?" сарлавҳали чоп этилган мақоласи Иштихон туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Прокуратура аралашуви билан фуқаро Т.Худойбердиев "Самарқанд электр тармоқлари" ОАЖ раҳбарининг 2009 йил 3 март кунидаги 112-сонли буйруғи асосида Оқдарё туман электр тармоқлари корхонасидаги "Янгиқўрғон" участкасининг электромонтёри вазифасига ишга жойлаштирилиб, ҳозирги кунда ушбу вазифада ишлаб келмоқда.

О.АЗИМОВ,
Самарқанд вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия ката маслаҳатчиси.

СОЛИҚ ТИЗИМИ

Тадбиркорлар манфаатини кўзлаб...

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида қатор қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Энг муҳими, қонунчилик базаси халқаро ва миллий талабларга мувофиқ, йилдан-йилга бойитилиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Бу каби ўзгариш ва янгиликларни фуқароларга тушунтириш эса бугуннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Наманган вилоят давлат солиқ бошқармаси ҳам тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратиб, яқинда тизим мутасаддилари иштирокида вилоятнинг барча туманларида тадбиркорлик субъектлари билан семинар-учрашувлар ўтказилди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" йили Давлат дастури тўғрисида", "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора тадбирлар тўғрисида", "Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларда акс этган солиқ имтиёзлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, тадбиркорлар муаммоларини ўрганиш ҳам — мазкур учрашувларнинг асосини ташкил этди.

Маъмуржон ПАРПИЕВ,
Наманган вилоят ДСБ ахборот хизмати бош мутахассиси.

ҚИЛМИШ

"Кўнгилчан" мактаб директори

Ўзбекистонни дунёга танитиш, соғлом миллат генофондини сақлаб қолиш, мамлакат тараққиёти, юрт равнақи, барча-барчаси ўсиб, вояга етиб келаётган ёш авлод вакилларига боғлиқ. Президентимиз таъбири билан айтганда, "Фарзандларимиз биздан кўра ақлли, доно, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт!". Бу ҳаётий ҳақиқатни ким қандай тушунаяпти? Фарзандлари, ёшлар истиқболи учун масъулиятни, миллат олдидаги мажбурият ҳиссини ким қай даражада англаяпти?

Биз болажон, болапарвар миллатмиз. Фарзандларимиз камоли биз учун олий бахт. "Ўғлим, қизим ўқисин, билимли бўлсин. Мен етолмаган марраларни у забт этсин", деб жон куйдирамиз. Лекин баъзан айрим ота-оналарнинг ўзлари уларни тўғри йўлдан адаштираётганини билмай қолишади.

Юртимизда узлуксиз таълим тизими жорий этилгач, аксарият ўқувчилар иқтидор ва қизиқишларига қараб 9-синфни тугатгач, касб-ҳунар коллежларига йўналтирилди. Мамлакатимиз раҳбарининг 2006 йил 27 июлда "Умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олишларини кенгайтириш чоралари тўғрисида"ги, 2003 йил 29 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари қабул қилинди.

Мазкур қарорлар талабларидан келиб чиқиб касб-ҳунар коллежлари етарли бўлмаган айрим ҳудудлардаги мактабларда 11-синфда ўқитиш тизими вақтинча сақлаб қолинган эди.

Ўтган йил март ойига қадар Карим Баҳронов директорлик қилган Шофиркон туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабида ҳам 11-синф мавжуд эди. Фурсатдан фойдаланиб қолишнинг йўлини билган мактаб директори К.Баҳронов фуқаро Ҳамро Эргашев ҳамда Фарҳод Зикиров билан жиноий тил бириктирди. Директорнинг "кўнгилчанлиги" боис Ш.Каримова, Ф.Адизов, Т.Юсупов, Н.Файзуллаевалар "репититор"га қатнаб бошқа жойда тестларга тайёрланишса-да, ушбу мактабнинг ўқувчиси бўлиб туришди. Лекин директор "янги ўқувчи"ларни синфдошларига таништиришни унутмади. Ўқув йили якунида — 2007 йил июнь ойи охирларида ҳеч қандай оралиқ, якуний назорат ёки давлат имтиҳонлари топширишмаган 11-синфнинг мазкур "ўқувчилар"и ҳақиқатда ўқиб, рейтинг балларини ошириш учун "прогул"сиз дарсларга қатнаган синфдошларинидан қолишмайдиган шаҳодатнома олишди.

Бу борада директорни баъзи ўқитувчилар ҳам қўллаб-қувватлаб туришганига нима дейсиз? Масалан, мактабнинг "Миллий истиқлол ғояси" фани ўқитувчиси С.Тошева Навоий шаҳрида яшовчи ўғлининг уйига меҳмонга бориб, ўша ердан "ўқувчи-мижоз" топиб келди.

Шунингдек, Шофиркондаги мактабда Кармана туманидаги 15-мактабнинг 8-синфини тугатган Шоҳида Каримова ҳам дарсларга келмай туриб "ўқиган"ига қойил қолмай иложингиз йўқ. Мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Т.Гадоева суддаги кўрсатмасида шундай дейди: **"11-синф ўқувчиларига рус тили фанидан сабоқ бераман. Мен дарс берган синф журналида 13 нафар ўқувчининг исм-фамилияси қайд этилган. 2006-2007 ўқув йили давомида Ш.Каримова, Ф.Адизов, Т.Юсупов, Н.Файзуллаеваларнинг исмлари ҳам синф журналида қайд этилмаган. Улар дарсларга ҳам, давлат имтиҳонига ҳам киритилмаган".**

Муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжат — "Ўзбекистон Республикаси ўрта маълумот тўғрисида шаҳодатнома"ларни қалбакилаштириб, унга сохта ёзувлар киритган олий маълумотли директор бу қаллобликларни бекордан бекор амалга оширмаган, албатта. Ачинарлиси, Ҳ.Эргашев, Ф.Зикировлар мустақил ҳаёт остонасида турган ёшларни жиноятга ундашди. Сохта шаҳодатнома билан олий ўқув юртига ўқишга кириб ўқиган талабадан эртага нимани кутиш мумкин?

"Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас" деганларидек, шунча қилғилик ва қинғирликни уддалаган собиқ мактаб директори, 2008 йил март ойидан бошлаб вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига қарашли тумандаги "Мингчинор" болалар соғломлаштириш оромгоҳи директори лавозимига ишга ўтиб, бу ерда ҳам жиноий фаолиятини давом эттиради. У 189 дона, (ҳар бирининг баҳоси 12500 сўмдан бўлган) умумий қиймати 2 миллион 362 минг 500 сўмлик болалар темир каравотларини, 15,6 квадрат метр ҳажмли (ҳар бир квадрат метрининг баҳоси 10 минг сўмдан) дераза ойналарини, 24 килограмм 79200 сўмлик бўёқларни, хуллас умумий баҳоси 2 миллион 597 минг 700 сўмлик ўзгалар мулкини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилади.

Аслида мансаб кўпчилик билдирган ишонч, жамоани ўзига эргаштириш масъулиятидир. Бироқ, минг афсуски, К.Баҳронов лавозим, амал курсисини шахсий манфаат йўлидаги имконият деб тушунди. Йўқса, у бугун надомат чекиб суднинг қора курсисида ўтирмаган бўларди.

Холмурод БАҲРОНОВ,
Шофиркон туман прокурори.
Моҳира ШАКАРОВА,
журналист.

ЖАРАЁН

Мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли, аммо вақтинча ишсиз юрган одамларни доимий иш билан таъминлаш, шу йўл билан аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш борасида кўплаб хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 25-26 март кунлари пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Ўзбекистон Миллий боғида олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, ҳарбий хизматдан захирага бўшатилган ва вақтинча ишламаётган кишиларни иш билан таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

Меҳнат ярмаркаси

ушбу тадбирда минглаб одамлар ишли бўлишди

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ярмаркада 780 та корхона ўзининг 12 минг бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Уларнинг 30-40 фоизи олий маълумотли мутахассисларга, қолгани ўрта-махсус касб-ҳунар коллежларини битирувчиларга, ҳарбий хизматдан бўшаган ва вақтинча ишсиз бўлган фуқароларга мўлжалланган.

— Тадбирни ўтказишдан олдин пойтахтимиздаги олий ўқув юртларида, касб-ҳунар коллежларида, маҳаллаларда мониторинг-учрашувлар ўтказдик, — дейди Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бандлик ва меҳнат бозори бўлими бошлиғи ўринбосари Мавжуда Ибодуллаева. — Шундан кейин 11 та туманда меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. Бугунги тадбирга эса 26 мингга яқин киши ташриф буюрди.

— Ўзига мос иш излаган киши, қайси туманда истиқомат қилмасин ва қайси соҳага қизиқмасин бу ерда ўзига боп иш топиши мумкин, — дейди Сергели туманидан келган Нурбек Эрниёзов. —

Уларга иш бўйича тавсиялар ҳам берилаяпти. Мен ҳам "Файз" холдинг компаниясига йўлланма олдим.

— Ҳозиргина Собир Раҳимов туманида жойлашган "Қайс гилам тўқиш" ўқув марказига йўлланма олдим, — дейди Дилфуза Нодирова. — Менга энг маъқул бўлгани бу ўқув марказида биз уч ой давомида ҳунар ўрганиш билан бирга ҳар ойига 40 минг сўмдан пул ҳам олиб турар эканмиз. Касбимизни яхши ўрганса-сак, ишли ҳам бўламиз. Ўйлайманки, бундай тадбирлар доимо ўтказиб турилса, кўплаб ёшлар иш билан банд бўлиб, вақтини бекорчи нарсаларга сарфламасди.

Дарҳақиқат, ярмарка давомида минглаб ёшлар бўш иш ўринларига таклиф этаётган корхона ва муассасаларнинг вакиллари билан суҳбатлашиб, маълумотлар олишди. Энг қувонарлиси, тадбирда тўрт мучаси соғ кишилар билан биргаликда, тақдир тақозоси туфайли ногирон бўлиб туғилган ёки кўнгилсиз воқеалар туфайли мажруҳ бўлганларга ҳам бир қатор иш ўринлари таклиф қилинди. Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури (ПРООН) ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг кўшма лойиҳаси ACCES (Ногиронларни ҳаётий фаолият муҳитига кира олиши, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фуқароликни англаш) доирасида амалга оширилди. Мақсади — ногирон инсонларни ижтимоий интеграция ва ишга жойлашиш имкониятларини оширишдан иборат бўлган ушбу лойиҳа 2008 йилнинг август ойида тасдиқланган бўлиб, унинг фаолияти ҳозиргача мамлакатимизнинг— Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида амалга оширилмоқда.

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ҲУҚУҚ

Ҳудуд билмас жиноят

Маълумки, одам савдоси ҳозир дунё миқёсидаги энг хавфли жиноят турларидан бири ҳисобланади. Боиси, бор-йўғи икки сўз билан ифода этилаётган бу жиноят тури ўз ичига одам ўғирлаш, фоҳишабозлик, наркотрафик, биоинженерия каби кўплаб жиноятларни ҳам оладики, шунинг ўзиёқ унинг қанчалик жирканч эканидан далолатдир.

Шунинг учун ҳам юртимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бу жиноят турига қарши курашиш учун бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида илк бор одам савдосига қарши курашиш мақсадида бундай ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланганди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси "Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш" деб номланиб, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш ҳамда одам савдоси жиноятларининг олдини олишга қаратилганди. Ўтган йили "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда бу глобал муаммога қарши курашиш ҳамда ундан жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

"Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 18 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган бўлиб, 4 боб, 17 моддадан иборат. Ушбу қонуннинг 3-моддасида одамлардан фойдаланиш учун ёллаш ва олиб чиқиш муаммосига қарши курашиш бўйича алоҳида тўхталиб ўтилган. 2008 йил 16 сентябрда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун билан Жиноят кодексининг 135-моддасининг номи "Одам савдоси" деб ўзгартирилди.

Маълумки, мазкур қонун нормаларида одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, вақтинчалик турар жойлар бериш белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида эса одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасаларни ташкил этиш белгиланган. Бу одам савдосидан жабрланганларни нормал турмушга қайтариш, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканини ҳис этиб яшаши учун муҳим аҳамиятга эга.

Бир сўз билан айтганда, олиб борилаётган ислоҳотлар замирида аввало халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, юртимиз аҳолисини ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатардан асраш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби улуғ мақсадлар мужассам, десак янглишмаймиз. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳуқуқий демократик мамлакатда инсон тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун биринчи навбатда унинг хавфсизлиги таъминланиши, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиги ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилинган бўлиши шарт.

Махсума АРТИКОВА,
Тошкент шаҳар Миробод туман 5-нотариал идора нотариуси.

МЕРОС

СОПОЛГА ЖОН БАХШ ЭТАЁТГАНЛАР

Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи музейини томоша қилиб юрганимда шу ерлик кулоллардан бири Умар Жўрақуловнинг "Ўрдак" деб номланган рамзий асари эътиборимни тортди.

— Бу асар дунёдаги кўплаб музейларда намойиш қилинди, — дейди музей бош директори Нўъмонжон Маҳмудов. — Қувонарлиси, барча ерда ижобий баҳо олди. Усталаримиз ясаган буюмлар Париж, Тулуза, Канн ва Лион каби шаҳарларда, Германия, Покистон, Туркия ва Эрон каби мамлакатларда намойиш этилмоқда. Музейга ҳар йили минглаб сайёҳлар ва бошқа вилоятлардан меҳмонлар зиёрат қилгани келишади.



Шариф Азимов, Ҳайдар Ботиров, Нўъмон Облақулов сингари ўнлаб кулоллар ўз ижодий намуналарини бутун дунёга кўз-кўз қилмоқдалар. Кўргазмаларга қўйилган кулолчилик намуналарида аждодларимиз қолдирган улкан маданий мерос акс этган. Ота-боболаримиз азалдан тўрт унсур — тупроқ, сув, олов ва ҳавони муқаддас билганлар. Кулолчилик санъати эса мана шу тўрт унсурни ўзида мужассамлаштирган. Дастлаб тупроққа сув қўшиб, лой қилинади, ундан шакл ясалиб, оловда пиширилади. Мусаффо ҳаво эса уларнинг ишига ривож беради. Мана шу тўрт унсур ҳосиласи бўлмиш маҳсулотни қўлга олиб, чертсангиз худди чиннидай жаранглайди.

Қўли гул уста Холмаҳмат Исматуллаев ҳам Самарқанд кулолчилик мактабининг фидойиларидан бири. У киши қадимий шаҳардаги кўп йиллик тарих қатида бекиниб ётган осори-атиқаларни излаб топиш ва уларни қайта тиклашда жонбозлик кўрсатаётган, ўзига муносиб шогирдлар тайёрлаб, аждодлар орзусини амалга ошираётган ҳунармандлардан ҳисобланади. Айни кунларда уста ясаган буюмлар жаҳоннинг бир қанча машҳур музейларини безаб турибди. Уларда санъаткорнинг нозик диди, теран қалби ва ақл-заковати бўй кўрсатиб турибди. Асарларни томоша қилганингиз сайин, фикрингиз теранлашиб, шуурингиз тиниқлашиб бораверади.

— Ўтган йили ўттиз турдаги олти мингдан зиёд кулолчилик намуналарини тайёрладик, — дейди Самарқанд вилоят "Ҳунармандлар" уюшмаси раиси Акобир Ҳакимов. — Агар уларни бозорга чиқариб сотсак, даромадимиз тўрт юз миллион сўмдан ошиб кетади. Лекин масаланинг яна бир томони бор. Моддий ва маънавий бойлик бутунлай бошқа-бошқа нарса. Агар кулол буюмни фақат пул топиш мақсадида ясайдиган бўлса, санъатнинг моҳияти унутилади. Санъат эса дўкондаги нарх-наво билан ўлчанмайди. Ахир, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тарихга эга экани аждодларимиз ясаган буюмларга қараб аниқланди-ку! Қарийб уч минг йил илгари ясалган сопол буюмларнинг тупроқ остида ранги бузилмай турганини қандай изоҳлайсиз! Бунда аждодларимизнинг ақл-заковати ва меҳнатсеварлиги яширинган. Улар чархни дунёга, унинг айланишини вақтга қиёслашган.

Самарқандлик кулоллар ясаётган буюмларга қараб аждодларимизнинг маънавий мероси ҳозиргача сақланиб келинаётгани ва сайқалланиб бораётганини англайсан, киши. Шу ерлик яна бир кулол Дилором Мухторованинг ижодига ҳам бир назар ташлайдиган бўлсак, у яратган буюмларда ҳазил-мутойибани севувчи халқимизнинг ҳис-туйғулари яққол кўзга ташланиб туради. Бу асарлар ҳеч бир хорижлик меҳмонларни бефарқ қолдирмайди.

— Биз янги, ўзига хос кулолчилик мактабини яратишимиз керак, — дейди Акобир Ҳакимов. — Аждодларимиз яратган санъат бугунги глобаллашув даврида нечоғли аҳамият касб этишини тушунтира олишимиз лозим. Шу боис Самарқанд давлат университети профессор-ўқитувчилари билан биргаликда тупроқ таркибини ўрганяпмиз. Унинг янги қирраларини очишга интилаяпмиз. Бу ҳаракатимиз ижобий якун топса, янада мукаммалроқ асарлар яратиш имконияти юзага келади. Аждодларимизнинг ўлмас меросини хорижлик меҳмонларга тарғиб этишга ёшларни жалб этишда ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада вилоят "Ҳунармандлар" уюшмаси жамоаси мактаблар ва касб-ҳунар коллежларига бориб, ёшларга кулолчиликнинг сир-асрорларини ўргатишга ҳаракат қилаяпти.

Тожи ПАРДАЕВ

Таҳририятга хатлар

ХОЛБОЗОР АКАНИНГ ХАЗИНАСИ

Асаларичиликни "Етти хазинанинг бири" деб бежизга айтишмайди. Шифобахш бу ноёб маҳсулотни етиштириш албатта, осон иш эмас. Лекин бу касбга ҳавас қўйиб меҳнат қилган киши кам бўлмайди. Чироқчи туманидаги Чувуллоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Холбозор Нормаматов ҳам мактабда ёшларга математика фанидан сабоқ бериш билан бирга бўш пайтларида асаларичилик билан шуғулланади. Ҳозирда 30 қути асалариларни парваришлаб келаётгани туфайли рўзғори фаровон ва оиласи тўкин-сочин кун кечирмоқда. "Рўзғордан ортганини бозорга олиб чиқиб сотаяпмиз, ҳарна фойда-да", — дейди камтарлик билан Холбозор ака. Муаллим бу касбнинг сир-синоатларини фарзандларига ҳам ўргатган. Бугунги кунда у кишининг тўнғич ўғли Дилмурод ота мерос бу ишни пухта ўзлаштириб олди.

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ,
Қашқадарё вилояти.

ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ

"Темур тузуқлари"да "Амир Кулолнинг ҳузурларига бордим... ғалаба қозонсам, Самарқанднинг бир йиллик хирожини уларга назр қилишга қарор қилдим. Улар менга зафар тилаб, фотиҳа ўқигач, кетишимга рухсат бердилар", деган жумлалар бор. Амир Темурнинг ўзи, етти иқлимни эгаллай олишга қурби етган соҳибқирон ҳукмдор, Амир Кулолдан дуо олганини қувониб ёзса!? Унга хизмат қилганидан суюниб, Самарқанднинг бир йиллик хирожини назр қилиб юборавераса!? Албатта, бу бежиз эмас эди. Халқимизда "Олтин олма дуо ол!", деган ҳикмат бекорга айтилмаган. Халқ ардоқлаган, назари ўткир авлиёсифат инсонларнинг дуоси Яратганнинг марҳамати ила кишини ҳар қандай бало-қазодан ҳимоя қилар экан-да.

Турсунали ЮСУПОВ,
Фарғона вилояти.

САБРНИНГ МУКОФОТИ

Сингил акасига кўз ёш тўкиб, дийдиё қилмоқда:

— Тўйиб кетдим, шу эркакни деб бутун умримни бекорга совурдим. Мана оқибат... Ҳеч ким мени ҳурмат қилмайди. Қачон ўзим учун яшайман, ахир?!. Ажрашаман...

Ака тушунтирди:

— Учта боланг бор. Ажраб қаерга ҳам борардинг? Яхшиси чида... Қолганлар ҳақида ўйлама, ҳатто ўзинг ҳақингда ҳам. Биринчи фарзандинг туғилган кундан бошлаб болаларинг учун масъул бўлгансан. Уларни комил инсон қилиб тарбиялашинг керак...

Сингил шундай қилди. Болаларини оқ ювди, оқ таради. Ўқитди. Турмуш ўртоғи ҳам инсофга келди. Йиллар ўтиб катта ўғли нуфузли институтга ўқишга кирди. Қизи моҳир пазанда ва тикувчи бўлди... Шундай бахтли кунларнинг бирида ака деди:

— Мана, синглим, бугун ҳамма сени ҳурмат қилмоқда. Эсингдами, ҳов ўшанда ўзингни енгмаганингда ҳозир бу ҳузур-ҳаловат қаерда эди. Сабрнинг таги сариқ олтин деганлари мана шу бўлади...

Баҳодир МУСАЕВ,
Қашқадарё вилояти.

ОЛТИНЧИ ҚИТЪА БЎЛГАНМИ?

Қадим дунё мутафаккири Афлотуннинг "Тимий" ва "Критий" номли қўлёзмаларида минг йиллар аввал океан қаърига чўкиб кетган сирли қитъа — Атлантида ҳақида тавсифланади. У тахминан Америка ва Европа қитъаларининг ўртасида жойлашган экан. Манбаларда Атлантидада бугунги замонавий технологияларга ўхшаб кетадиган қурилмалардан фойдаланилганлиги ҳақида ёзилади. Масалан, сув остида ва устида ҳаракатланадиган улкан кемалар, узоқдан туриб гаплашиш ва кўриш воситалари, учар жисмлар ва бошқалар. Аммо сирли қитъа номаълум сабабларга кўра, океан тубига ғарқ бўлади. Жуда катта цивилизация йўқолиб кетади.

Шуҳрат МАНСУРОВ,
Бухоро вилояти.

РЕКЛАМАНИНГ ТАЪСИРИ

Рекламанинг инсонлар онгига таъсири хусусида бир қанча қизиқарли маълумотлар бор. Масалан, "Пепсодент" тиш пастасининг Жанубий-Шарқий Осиёдаги рекламаси инқирозга учрайди. Чунки реклама матни одамларга тишлари қордек оппоқ бўлишини ваъда қилган эди. Ваҳоланки, бу жойларнинг маданиятига кўра қорайган ва сарғайган тишлар обрў-эътибор рамзи саналар экан. 1751 йил 1625 нусхада нашр этилган, 28 жилд 7200 масала бўйича маълумот, уч минга яқин иллюстрацияларни ўзида жамлаган Дени Дидронинг энциклопедияси ҳам йиллар давомида черков ва ҳукуматнинг таъқибига учрайди. Китоб оммавий равишда ёқиб юборилади, ўқиганлар жазога маҳкум этилади. Узоқ давом этган бу таъқиб энг яхши рекламага айланган дейишади.

Эркин ТОШПЎЛАТОВ,
Сирдарё вилояти.

ВАТАН ВА ХАЛҚ ОЛДИДАГИ БУРЧ

(Бошланиши 1-бетда.)

Соҳа ходимларини рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этиш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтириш, замон талабига уйғун мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Бу жиҳатлар журналистикамиз ривожига хизмат қилаётган турли кўрик-танловлар, ижодий беллашувлар, грант-лойиҳалар, ижтимоий дастурларда ҳам ўз ифодасини топаётир.

Бу борада журналистлар ўртасида "Олтин қалам" Миллий мукофоти, "Йилнинг энг фаол журналисти", «Энг улуғ, энг азиз», "Жамият ва мен", "Матбуотимиз маликаси", "Атиргул" сингари танловларни ўтказиш йўлга қўйилгани эътиборга лойиқдир.

Ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими анъанавий тарзда 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида ўтказиб келинаётган «Олтин қалам» Миллий мукофоти журналистларимизга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир яққол ифодасидир.

Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган ушбу мукофот миллий ва халқаро журналистиканинг энг яхши ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадларига хизмат қилаётир.

Таъкидлаш жоизки, ушбу мукофотнинг кўлами тобора кенгайиб, нуфузи йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Хусусан, танлов илк бор ўтказилган 2006 йилда унда 136 нафар журналист 1669 ижодий иши билан иштирок этган бўлса, 2008 йилда 557 журналист 7 мингдан зиёд материали билан қатнашди. Иштирокчиларнинг ярмидан кўпини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият олиб бораётган журналистлар ташкил этаётгани унга бўлган қизиқиш жойларда ҳам юқорилигидан далолатдир.

Дастлабки йили ижодий беллашув матбуот, телевидение, радио йўналишлари бўйича ўтказилган бўлса, ўтган даврда улар қаторига Интернет журналистикаси ҳам қўшилди. Шунингдек, ҳар бир йўналиш бўйича аввал битта мукофот жорий этилган бўлса, 2007 йилда ҳар бир йўналишда биринчи, иккинчи ва учинчи даражадаги учта, жами 12 асосий мукофот ташкил этилди. Яна бир эътиборли жиҳати, 2007 йилда Бош миллий мукофот ҳам таъсис этилди. Жорий йилда — "Олтин қалам" тўртинчи Миллий мукофоти учун танлов 27 та (1 та бош, 12 та асосий ва 14 та рағбатлантирувчи) номинация бўйича ўтказилади.

2008 йилда ўтказилган учинчи Миллий мукофот учун танловнинг мукофот фонди 62,5 миллион сўмдан зиёдни ташкил этган бўлса, жорий йилда 100 миллион сўмдан ошади.

Ўтган йиллар давомида 70 нафар журналист танловнинг ғолиб ва совриндори бўлди. Танловда нафақат маҳаллий журналистлар, балки хорижлик ҳамкасбларимиз ҳам тобора кўпроқ қатнашиш истагини билдирмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу Миллий мукофотнинг битта номинацияси хорижий журналистлар учун мўлжалланган. Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги бу номинация "Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун" деб номланади. Ўтган йиллар давомида 3 нафар хорижлик журналист совриндор бўлди.

Айни пайтда Миллий мукофот ташкилий қўмитаси таркибида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ҳам бор. "Олтин қалам" Миллий мукофоти ғолибларини тантанали равишда тақдирлаш маросимида БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки ҳам ўзлари таъсис этган қатор рағбатлантирувчи мукофотлари билан фаол иштирок этмоқда.

Бу йилги танлов янада қизғин бўлиши унга ўз ижодий ишларини тақдим этаётган журналистларнинг кўплигидан ҳам сезилмоқда.

Ўз ўрнида журналистларимиз бундай эътиборга жавобан янада фаол, изланувчан ва ташаббускор бўлишларини замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари ҳам, улар олдига қўйиладиган талаблар ҳам кўп. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришдир. Барчамиз дунёда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўзимизнинг ҳаққоний ва холисона муносабатимизни, эътироф ва эътирозларимизни билдиришга қодир бўлишимиз, доимо изланиб, янгиликка интилиб яшашимиз лозим.

Кескин суръатлар билан давом этаётган ҳозирги глобаллашув жараёнларида четдан кўлами ва миқёсини ўлчаб бўлмайдиган шиддатли ахборот оқими кириб келаётгани, улар орасида бизга ёт ва зарарли ғоялар ҳам борлиги ҳеч кимга сир эмас. Шундай мураккаб вазиятда оммавий ахборот воситалари ходимлари биринчи навбатда ёшларимизни маънавий жиҳатдан қуроллантиришга ёрдам бериши зарур.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятида сифат ўзгаришларига янада кўпроқ эътибор қаратиш, ҳар бир журналистнинг касб маҳорати даражасини юксалтириш, шунингдек, матбуот, телевидение, радионинг халқимиз орасидаги обрў-эътибори ва рейтингини ошириш, жаҳон ахборот майдонида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришига эришиш муҳим ва асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Ўйлаймизки, журналистларимиз Ватан ва халқимиз олдидаги бу юксак масъулиятни қалбан чуқур ҳис этган ҳолда ўз бурчларини фаол адо этаверадилар.

ЎзА мухбири
Олим ЭРГАШЕВ ёзиб олди.

ҲОЗИРЖАВОБЛИК, ХОЛИСЛИК, ДАДИЛЛИК

бугунги журналистнинг вазифаси бўлиши керак

(Бошланиши 1-бетда.)

Ҳамлет фожиасида ҳам давр фалсафаси ифодаланган. Радишчев ёки Муқимийнинг саёҳатномалари ҳаётнинг ҳақиқий манзаралари,ҳолатларини кўзгудагидек акс эттирган. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Қодирийнинг «Ўткан кунлари»да ҳам давр баҳосига доир кучли бадиий публицистик ифодани кўрамиз.

Яқинда Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари шаҳар ва туманларда вужудга келган ҳолатлар ҳақида куюниб гапириб, айрим раҳбарларнинг ишдаги юзакичилиги, нопоклиги бунга сабаб бўлаётганини қайғуриб таъкидлади. Худди шундай ҳолатлар ҳақида "Тошкент ҳақиқати" газетаси жиддий чиқишлар қилганини вилоят жамоатчилиги яхши эслайди. Ўз нуқтаи назарини эминэркин ифодалашга иштиёқи кучли ижодкорларимиз, айтайлик, амалдорларнинг тўрачилиги, қонунларни менсимаслиги ва бошқа бебошликларини, маданий мерос ва миллий қадриятларимизга янгича ёндашув зарурлигини дадил, ошкор кўтариб чиқа бошладилар. Ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари етакчилари иштирокида суҳбатлар ўтказилди. «Қонун ҳимоячиси», «Ҳар бир кун жасорат», «Яшашдан мақсад», «Мухбирлар жонга тегди», «Қораманас воқеаси», «Аслида ким ҳақ эди?», «Тўрачилик», «Бебошлик» — булар журналистларимиз ўз суриштирувлари асосида ёзган айрим мақолаларнинг номларидир. «Тошкент ҳақиқати»нинг бугунги журналистлари турли йилларда таҳририятда публицистик ижод билан шуғулланган Ғафур Ғулом, Худойберди Тўхтабоев, Шобарат Кузанбоев, Босит Халилов, Малик Иброҳимов, Нўъмон Насимов, Акбар Шайховлар асос солган, ардоқлаб, янги-янги жиҳатлар билан бойитиб келган фельетончилик, ўткир танқидий чиқишлар анъанасини ҳозир ҳам муносиб давом эттирмоқдалар. «Найза», «Ур тўқмоқ», «Дадилбек ён дафтаридан» рукнларидаги чиқишлардан тортиб, замондошларининг аччиқ сўзли, тийрак нигоҳли, бўйин эгмайдиган даражасига кўтарилган ижобий қаҳрамон тилидан «Асом Ғаданг нима дейди?» туркумидаги фельетонларгача бўлган изланиш йўллари осон босиб ўтилмагани аниқ.

Гоҳида баъзи танқидий чиқишлар юзасидан адолатни қарор топтириш учун йиллаб курашишга тўғри келади. Чунончи, «Фуқаролар ҳуқуқи ҳимояда» сарлавҳали мақолада кўтарилган қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш учун икки йил вақт кетди. Ниҳоят, Олий суд аралашгач, ҳақ жойида қарор топди. «Мавзуга қайтиб» рукни остида эълон қилинган «Аслида ким ҳақ эди?» сарлавҳали мақола билан поймол этилган ҳуқуқларни тиклаш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар суди билан узоқ чўзилган курашга нуқта қўйилди. Ёки бошқа бир мисол. Газетада Бўстонлиқ туманининг Хўжакент қишлоғида чорва яйлови сифатида фойдаланиш учун берилган ерларга хийла юқоридаги булоқ сувини олиб келиб, деҳқончилик билан шуғулланилаётгани, ер сурилиши хавфи пастликдаги хонадонларга таҳдид солаётгани ҳақидаги мақола эълон қилинганида туман ҳокимлиги ҳам, табиатни муҳофаза қилиш қўмитасию, вилоят адлия бошқармаси ҳам таҳририят олдига раддия эълон қилиш талабини қўйиб, турли идораларга кетма-кет хатлар ёзишди. Акс ҳолда судга тақдимнома киритиш билан таҳдид ҳам қилишди. Фақат таҳририят журналистларининг қонун доирасидаги қатъий ҳаракати туфайли муаллифларнинг фикрлари исботланди.

Лекин тан олиш керак даврий нашрларимизда, айниқса, вилоят,шаҳар ва туман газеталарида чуқур таҳлилий мақолалар, жойлардаги нуқсонлар очиб ташланиб, уларни бартараф этиш бўйича чиқишлар ниҳоятда кам. Ҳолбуки, жамиятдаги камчилик ва нуқсонларни, ижтимоий- иқтисодий, маънавий-ахлоқий ҳаётимиздаги, таълим-тарбия ишидаги муаммоларни кўриб-билиб юрамиз. Бироқ, дадил кўтариб чиқмаймиз. Боиси уларни чуқур, мукаммал ўрганишга аксариятимизда маънавий ҳуқуқ етишмайди. Айтмоқчиманки, баъзи ҳамкасбларимиз ўз устиларида ишламайди, жамиятда кечаётган жараёнларни, амалдаги қонунларни, бошқарув тамойилларини синчиклаб ўрганмайдилар. Воқеа-ҳодисалар изидан журналистик суриштирувни чуқурроқ ўтказишга уқувлари, сабр-қаноатлари етишмайди.

Одамларимизда матбуот, умуман, оммавий ахборот воситаларига ҳурмат кучли. Фақат ўқувчи ёки тингловчига тўғри, холис, оқилона сўз айтиш керак. Ҳозир ҳаёт билан матбуот, бошқа оммавий ахборот воситалари ўртасида узилиш бордек назаримда. Газеталаримиз, радио ва телевидение кўпинча ўз ўқувчилари ёки тингловчиларини воқеа-ҳодисаларнинг «сурати» билан таништиришаяпти, холос. Турли тадбир ва анжуманлар ҳақидаги ахборотномага айланиб қолаётган нашрлар ҳам йўқ эмас. Воқеа-ҳодисалар, жараёнларнинг «ичи»га кириб бориб, моҳиятини очиб беришга қунт суст. Жамоатчилик ҳукмига олиб чиқилаётган танқидий, таҳлилий мақолалар, долзарб муаммолар кам. Фельетонлар-ку даврий нашрларимиз саҳифаларида кўринмай қўйди. Ёки бу жанрдаги чиқишларга кундалик ҳаётимизда «озуқа» йўқми? Бор. Етарли.

Афсуски, шундай эмин-эркин замонда айрим журналистларимизда билим, малака, ирода ва қатъият етишмаяпти деб ўйлайман. Асосли, дардли чиқишлар кам. Нашрларимизнинг адади пасайиб кетаётгани шундан. Ахир, ҳамма ҳам «овунчоқ» ёки «сариқ» нашрларни ўқийвермайди. Жиддий «расмий» нашрларнинг иштиёқмандлари анча кўп. Улар жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларга қизиқишади, матбуотдан ўзларини қаноатлантирадиган чиқишларни кутишади. Гап фақат бизнинг бунга қодирлигимизда, газетхонлар, томошабинлар ишончини оқлашимизда.

Афсуски, фидойи журналистлар кам. Аксарият ижодкорлар ҳомийлар саховатига мутелигича қолаётир. Шу боис расмий нашрларимиз қўлмақўл ўқилаяпти, давр илгари сураётган талаблар, жамият ва унинг аъзолари эҳтиёжига жавоб бераяпти, дея баралла айта олмаяпмиз. Улар ёт нуқтаи назарлар йўлини ишончли тўсаяпти, жамиятимиздаги иллатларни бартараф этишга ўз таъсирини етарлича кўрсатаяпти, дея олмаймиз. Масалан, замондош қиёфаси очиб берилган очерклар ёки йирик жабҳалардан репортажлар масаласини олайлик. Истаган қишлоқ ёки шаҳарчага борилса, ўзининг саъй-ҳаракатлари билан одамлар ҳаётини гўзаллаштиришга интилиб яшаётган турли касб эгалари билан учрашиш мумкин. Ҳар биримиз ҳали ёзилмаган очерклар қаҳрамонлари орасида яшаётганимизни англай олмаяпмиз, чоғи. Бугун фидойи фермерлар, ижодкор олимлар, қобилиятли шифокорлар, ҳокисор муаллимлар ҳақида чинакам публицистик мақолалар ёзилмаяпти. Ёзувчи ва драматургларимизда ҳам уларнинг ҳақиқий тимсолларини яратишга иштиёқ етишмаяпти. Уларнинг аксарияти «Турмуш чорраҳалари»дан нарига ўта олмаяптилар.

Зеро, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, интернет тизими давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб юбораётган ҳозирги босқичда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Одамларнинг, биринчи навбатда ёшларнинг онгу тафаккурини, маънавий оламини издан чиқаришга қаратилган уринишларнинг асл моҳиятини, уларнинг узоқ ва давомли, салбий оқибатларини англаш ва бундай хавф-хатарларнинг олдини олиш бугунги кунда ўта муҳим аҳамият касб этиб бормоқда». Бу муаммони ҳал этишда миллат маънавияти ва миллий қадриятларни сақлаб, замонавий тамойиллар билан бойитиб, миллий истиқлол ғоялари, миллий мафкурамиз, тараққиётимизнинг миллий модели тантанасини таъминлашда холис, очиқ-ошкора публицистик чиқишларнинг таъсири, аҳамияти беқиёс.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ТЕЖАМКОР УСУЛ – ДАРОМАД МАНБАИ

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида «Атроф-муҳит муҳофазаси» мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларнинг билим ва амалий кўникмаларини ошириш мақсадида «Атроф-муҳит ҳолатини баҳолаш мониторинг лойиҳаси» яратилди.

Шу лойиҳа доирасида қисқа муддатли алмашлаб экиш тизими ҳам юзага келди. Тошкент вилояти шароитида олиб борилаётган тажриба-синов натижалари бу тизим экин майдонлари самарадорлигини оширишнинг энг мақбул усулларидан бири эканини кўрсатди.

Муҳими шундаки, бунда ерларнинг мелиоратив ва ҳудуднинг экологик ҳолати яхшиланиб, сувдан тежамли фойдаланиш имкони туғилади. Бу таклиф асосида ҳар гектар ердан 155 минг сўм атрофида қўшимча даромад олиш мумкин.

Акбар АЛИЕВ
"Тошкент ҳақиқати",
25.03.2009 йил.

МУРУВВАТЛИ ҚЎШНИМИСИЗ?

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. «Экосан» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши ўзаро ҳамкорликда «Энг мурувватли қўшни» кўрик-танловини ўтказишга қарор қилди.

— Халқимизда «Қўшни келди — кўмак келди», деган ибора бор, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Юсуф Қурбонов. — Бир неча асрлар илгари юзага келган ана шундай эзгу анъана бугун ҳам давом эттирилмоқда. Фикримизнинг исботи сифатида биргина ўтган йилнинг ўзида 100 нафарга яқин якка-ёлғиз, эҳтиёжманд оилалар хонадонларининг таъмирланиши, янги уйлар қурилиши, ҳомийлар ҳисобидан 3000 оилага қорамол олиб берилгани саховатпешалар томонидан 400 нафар боланинг суннат тўйи ўтказилганини қайд этиш жоиз. Бундан ташқари, уруш ва меҳнат фахрийларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 330 миллион сўмдан зиёд ҳомийлар маблағи сарфланди.

Танлов низомига асосан ғолиблар кам таъминланган оилаларга, етим-есирларга, боқувчисини йўқотган серфарзанд оилаларга, ёлғиз қарияларга баҳоли қудрат ҳомийлик ёрдами кўрсатган, уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, хонадонларни таъмирлаш, сув ва газ ўлчагичларини ўрнатиш ишларига кўмаклашган, маҳаллаларда болалар майдончаларини ташкил этиш, қаровсиз жойларни тозалаб, боғлар яратиш, тўй-маъракалар, коммунал тўловларни тўлашда бегараз ёрдам кўрсаттан саховатпеша инсонлар орасидан аниқланади.

Акбар РУСТАМОВ
"Бухоронома",
18.03.2009 йил.

АНДИЖОНДАГИ "УХЛАЁТГАН" СОАТЛАР

Тошкент шаҳридаги курант ҳақида эшитгансиз. У 52 йилдан буён тўхтовсиз ишламоқда. Маълум бўлишича, у бирор марта ҳам таъмирланмаган экан.

Андижон шаҳрининг Мирпўстин кўчасида ҳам курант мавжуд! Лекин бизнинг курант соат "ухлаб" ётибди. У охирги марта қачон ишлаганини эслай олмаймиз. "Андижон ёғ-мой" акциядорлик жамиятининг дарвозаси арк услубида қурилган. У Абдурауф Фитрат номли кўчага файз киритиб турибди. Арк пештоқига ўрнатилган соат ҳам узукка кўз қўйгандек ярашган. Фақат унинг миллари бир жойда қотиб қолгани дилни хира қилади-да.

Шаҳар марказидаги айланма йўл ўртасидан жой олган устуннинг тўрт тарафига тўртта соат ўрнатилган. Разм солсангиз уларнинг ҳар бири ҳар хил вақтни кўрсатаётганини кўрасиз. Боиси улар ҳам "ухлаб" қолишган.

Соатлар шаҳримиз кўрки, албатта. Аммо улар ишлаб турилса, акс ҳолда... Бунинг учун уларни "уйғотиш" лозим. Балки аввал шаҳар мутасаддиларни уйғотиш керакдир?

С.ҲУСАНЗОДА
"Андижоннома"
11.03.2009 йил.

ХЎЖАКЎРСИНГА ЎТКАЗИЛАДИМИ?

Ишсизлик бугун бутун дунёнинг муаммосига айланган ҳеч кимга сир эмас. Республикамизда эса бўш иш ўринларига вақтинча ишсиз юрганларни жалб этишга жиддий эътибор берилмоқда. Аммо бу масалага масъулиятсизлик билан қараётганлар ҳам учраётгани ажабланарлидир. Бунга жорий йилнинг 10 март куни Янгийўл ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида Янгийўл шаҳар ва туман бандликка кўмаклашувчи бирлашган марказ томонидан ўтказилган "Бўш иш ўринлари ярмаркаси"ни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Бироқ, шаҳар ва туман бандликка кўмаклашувчи бирлашган марказ ходимлари бу тадбирни хўжакўрсинга ўтказганликларини қандай баҳолаш мумкин?

Дастлаб меҳнат ярмаркасини ўтказиш жойи собиқ "Ниёзбоши" ширкат хўжалиги бошқаруви биносида ўтказилиши белгиланган экан. Барча корхона ва ташкилотларга шу ҳақда хабарнома тарқатилган.

Аммо кейин тадбир ўтказиш жойи ўзгариб, Янгийўл ижтимоий-иқтисодий коллежига кўчирилган. Шу куни марказ ходимларининг эътиборсизликлари оқибатида ишга кирмоқчи бўлганлар собиқ "Ниёзбоши" ширкат хўжалиги идорасига бориб, вақтларини беҳуда ўтказишган. Биз ҳам меҳнат ярмаркаси ҳақида мақола ёзиш учун коллежга соат 11 дан 35 дақиқа ўтганда етиб борганимизда тадбир тугаб, унинг ташкилотчилари қайтишаётган экан. Марказ раҳбари Р.Раҳмонқуловдан нима учун тадбирни барвақт тугатганликларини сўраганимизда у киши:

— Биз кутган туман раҳбарлари келиб кетишди. Шунинг учун тадбирни тугатдик, — деди.

Ана сизга мутасадди раҳбарнинг жавоби. Боз устига марказ раҳбарининг муовини С.Муллабоевадан бугунги тадбирда неча киши иш билан таъминлангани ҳақида сўраганимизда аниқ жавоб бера олмади. Бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказишдаги бундай хўжакўрсинлик кимга керак?

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ
"Янгийўл",
13.03 2009 йил.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

АВВАЛИ

НАШРИЁТЧИЛАР ВА МАТБААЧИЛАР

Эски замон нашриёт ва матбуотчиларининг ўйлагани чўнтак ва мақсади халққа авҳомат (ваҳималар, бемаъни уйдирма гаплар) тарқатиш эди. Улар узоқ фурсат давом этдилар ва ўз мақсадлари бўлгон чўнтакни тўлғазиб, миллатни қантдек қилиб заҳарладиларким, товба денг!

Биз ҳеч бир замон кўз кўрмаган ва қулоқ эшитмаган зомонда турамиз, нашриёт ва матбуотимиз ҳам юқоридаги қулинг ўргилсин хаёлатлардан ҳақиқатларга ўтганини кўрамиз.

Мана буларга қараганда, шу кунгача бўлган матбуотчилигимиз яна қайси ислоҳга муҳтождир. Илгари авҳомотни барбод қилгон эканмиз, тўппимизни тескари кийдириб: "Қуллуқ бўлсин!" дегувчи акамларга ҳам: "Бўлди-да, ака, сизга майна қилиб қўйган домладан хафа бўлдик-ку", деб қўйишга вақт етгандир деб, каминангиз идроқ қилади.

Шунга бошқалар қандай қарайди экан, у тўғрисида ҳозирдан кесиб бир нарса дея олмаймиз. Ҳар ҳолда матбуот ишимиз ўз йўлида кетсин, нашриёт ишимиз тўғри бир кўчага бурилсин...

Шаккок маҳдум
(Абдулла Қодирий),
"Муштум" журнали,
1925 йил, 4-сон, 2-бет.

Нашрга тайёрловчи: Фарҳод УМАРОВ.

НАШР

Нодир луғат

Ўзбек педагогикаси ўзининг кўп йиллик тарихига эга. Ана шу узоқ даврни тадқиқ этиш борасида олиб борилаётган изланишлар натижасида бир қатор монография ва китоблар яратилди. "Педагогика фанидан изоҳли луғат" номли китобнинг чоп этилиши йиғилган дур-у, гавҳарлардан шаклланган гўзал шодадир. Бир гуруҳ педагог олимларнинг самарали изланишлари натижасида нашр этилган ушбу янги луғат ўз мазмун-мундарижаси билан ҳам эътиборлидир. Ушбу нашр муаллифлари тарихий манбалар — халқ оғзаки ижоди намуналари, қўлёзма асарлар, халқ педагогикаси талқинларига асосланиб, атама ва тушунчаларга таъриф беришган. Бундан ташқари унда "Авесто", "Қобуснома" каби дурдона асарларда учрайдиган сўз ва иборалар ҳам изоҳланган. Унда кўзга кўринган маърифатпарварлардан Абдулла Авлоний, Мунаввар қори Абдурашидхоновлар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўқувчида қизиқиш уйғотиши табиий.

Мазкур луғат ўқитувчи-мураббийлар ва талабалар учун фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Акбар АЛИЕВ

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ТАЪЛИМ

Бу масканда иқтидорли ёшлар кўп

— дейди Навоий педагогика коллежи директори Олимжон СУВОНОВ

Юртимизда бугун юзлаб касб-ҳунар коллежлари мавжуд. Замонавий, шинам ўқув биноларини кўриб кўзингиз қувониши шубҳасиз. Ушбу ўқув масканларида таълим олаётган ёшларга боқиб эса ҳавасингиз келади. Навоий педагогика коллежи ҳам шундай ўқув масканидан биридир.

— Айни пайтда бизда 2852 нафар ўқувчи таҳсил олаяпти. Улар бешта йўналиш бўйича касб-ҳунар сирларини ўрганмоқдалар. Бошланғич таълим, мактабгача таълим, жисмоний тарбия ва болалар спорти, информатика ва ахборот технологиялари, мусиқа таълими, бухгалтерия ҳисоби каби йўналишлар асосида мутахассислар тайёрланаяпти, — дейди коллеж директори Олимжон Сувонов.

Ўқув масканида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ҳамда "Таълим тўғрисида"ги қонун талаблари асосида

таълим-тарбия ишлари самарадорлигини ошириш асосий вазифа ҳисобланиб, педагог кадрлар салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқитувчиларнинг ҳаммаси олий маълумотли мутахассислар бўлиб, 7 нафари магистр даражасига эга, 14 нафари бакалавр даражасидаги ёш ўқитувчи яқинда магистратурага қабул қилинди. Коллеж ўқитувчилари томонидан кейинги уч йил давомида 27 та услубий қўлланма, 25 дан зиёд илмий-услубий мақолалар чоп этилиб, 8 нафар ўқитувчи тадқиқотчи сифатида номзодлик ва докторлик диссертациялари устида илмий изланиш олиб бормоқда.

Коллеж билан Навоий вилоятидаги барча туман халқ таълими муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномалари имзоланган бўлиб, педагогик ва диплом олди амалиётлари ўтказиши яхши йўлга қўйилган. Васий ташкилотлар сифатида Навоий давлат педагогика институти, Кармана туман халқ таълими ва туман аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари билан шартнома имзоланган бўлиб, якуний давлат аттестация комиссияси раислари асосан васий ташкилотлардан вакил сифатида мунтазам қатнашиб келмоқда. Шу билан бирга коллежда кам таъминланган оилалар фарзандларидан 20 нафарини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун уларга стипендия ва бепул овқатланиш учун таъминот ишлари йўлга қўйилган.

— Ўқув масканида иқтидорли ёшлар билан ишлаш учун 29 та фан, 11 та спорт, 5 та касб-ҳунар ва 1 та бадиий-ҳаваскорлик тўгаракларидаги доимий ишлаб турибди, — дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ирода Ҳасанова. — Шунингдек, яна Ахборот-ресурс маркази фонди яратилган бўлиб, у ерда 2262 дона дарслик ва қўлланмалар, уч юздан ошиқ электрон дарсликлар мажмуаси мавжуд. Янги қўшимча адабиётлар харид қилиш учун 4566157,89 сўм маблағ сарфланди. Айни дамда коллежнинг умумий китоб фонди 19478 тани ташкил этмоқда.

Ўқув масканида таҳсил олаётган ёшлар спортда ҳам муваффақиятларни қўлга киритиб келмоқда. Хусусан, миллий кураш (ўсмирлар ва қизлар жамоаси), қўл тўпи (қизлар жамоаси) бўйича республика ва вилоят миқёсида иштирок этиб, олтин ва кумуш медалларга сазовор бўлишган. Масалан, Ирода Бўронова, Муножат Ибрагимова, Феруза Сайдуллаева, Ситора Ҳамроева каби иқтидорли спортчи ўқувчилар касб-ҳунар масканида кўплаб топилади.

Навоий педагогика коллежида ўз касбининг фидойиси бўлган устоз-мураббийлар ҳам кўп. Халқ таълими ва касб-ҳунар таълими аълочиси Иброҳим Баратов, "Шуҳрат" медали соҳибаси Ирода Ҳасанова, Жасур Совриев каби ўқитувчилар билан жамоа ҳақли равишда фахрланади.

Коллеждаги маънавий-маърифий ишлар мақтаса арзигулик. Маънавият хонаси замон талаблари асосида бекаму кўст жиҳозланган. Ўқув юртида маънавият учун пухта замин яратилган десак муболаға бўлмайди.

— Президентимизнинг маънавият ҳақида "Мутасаддилар билиб қўйсинлар. Маънавиятнинг бош ҳимоячиси Республика Президенти бўлади. Мен Президент сифатида одамларнинг маънавий тарбияси, тинчлик ва хайрли ишлар мақсадида ҳаракат қилаётган ҳар бир кишини қўллаб-қувватлайман ва мен у билан ҳамкорлик қиламан" деганлари бизга доимо куч бағишлайди, — дейди таълим даргоҳи раҳбарининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Иброҳим Каримов.

2009 йилни янги режалар билан бошлаган педагогик жамоа яқинда буюк мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллигига бағишланган "Навоийга эҳтиром" мавзусида тадбир ўтказди. Унда Кармана туман ҳокимлиги, "Кармана овози" газетаси вакиллари ҳам иштирок этди. Шунингдек, ўқув масканида "Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашда барчамиз масъулмиз" мавзусида ўтказилган давра суҳбатида вилоят ички ишлар бошқармасининг масъул ходимлари қатнашди.

Шу билан бирга Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари асосида ўқув-анжуман ўтказилиб, иштирокчилар ушбу китоб фарзандларимизни тарбиялашда муҳим манба бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлашди.

Хуллас, Навоий бобомиз номи билан юритиладиган педагогика коллежининг аҳил жамоаси узоқ тарихга эга кўҳна қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз асосида ёшларни касб-ҳунарли, Ватанга садоқат, ота-онага ҳурмат руҳида тарбия қилишни ўз олдиларига мақсад қилиб фаолият юритмоқда.

Норқул МАЪМУР,
"Hurriyat" мухбири. ®

МУНОСАБАТ МУЛОҲАЗАГА УНДАДИ

(Бошланиши 2-бетда.)

Бироқ, фермер хўжалигининг номи, бошлиғининг исми шарифи, тасарруфидаги ер майдонининг миқдори, бу ҳақдаги ҳоким қарорининг рақами кўрсатилиши лозим бўлган ўринлар бўш қолдирилиб, нима учундир қалам билан тўлдирилган! Бунга изоҳ шуки, дастлаб фермерларга ер ажратилаётган пайтда ҳокимлик томонидан аксарият фермерлардан бўм-бўш оппоқ қоғозга муҳр ва тамға урдириб, имзо чектириб (?!) олинганини кўплар тасдиқлайди. Ўшанда ҳокимликнинг талаби шундай бўлгач, фермер хўжалигининг раҳбарлари йўқ дермиди?! «Шаҳзод» фермер хўжалигининг раҳбари ҳам бу кейинчалик, дўппи тор келиб қолганда ўзига қарши аризага «айлантирилиши»ни туш кўрибди дейсизми?! Айни шу «қўлбола ариза» бугунги кунда гўё энг катта «қалқон» вазифасини ўтамоқда назаримизда. Ҳолбуки, ўша «ариза» ваколатли идоралар томонидан ўрганилиб, тегишли экспертизадан ўтказилса, масала ойдинлашишига шубҳа йўқ.

Энди масалага иккинчи томондан қарасак. Шу йилнинг 15 февраль куни (санага эътибор беринг!) «Шаҳзод» фермер хўжалиги бошлиғи туман ҳокимига мурожаат қилиб, ўзларига қарашли 23-контурдаги ер майдонига ўғит сепгани борган ўғли Камолни «Боймурод Сарбон ўғли Ҳасан» фермер хўжалиги бошлиғининг фарзандлари «ер бизники, кет», дея ҳақоратлаб, уриб тан жароҳати етказганини билдиради. (Шундай мазмундаги хат 16 февралда туман прокуроригa ҳам ёзилган.) Шунингдек, мурожаатида бундай зўравонликка чек қўйиб, масалани қонуний ҳал қилишида ёрдам беришини сўрайди. Аммо бу мурожаат жавобсиз қолиб кетади. Газетамизда бу ҳақда мақола чоп этилгандан кейин маълум бўлаяптики, фермер ҳокимга бу ҳолатдан таажжубда дея ёрдам сўраб борган куни... ерни қайтариб бериш тўғрисида юқоридаги «ариза»ни «ёзган» бўлиб чиқмоқда?! Шу жараённинг ўзиёқ, жаноб Муҳаммадиев «байроқ» қилаётган ариза сохта эканини тасдиқламайдими? Ахир, «ўз ихтиёри билан» ерни топширган одамга яна ортиқча бошоғриқнинг нима кераги бор?! Агар 16 февралдан аввал ҳам икки фермер ўртасида ер масаласида тортишув бўлгани ва бу воқеа туман ИИБгача етиб борганини инобатга олсак, низоли ер қўлбола ариза-ю ўйланмасдан қарор чиқарилишидан анча олдинроқ «Боймурод Сарбон ўғли Ҳасан»га «ҳатлаб» берилганини билдирмаяптими?! Шуларни била туриб, бевосита иштирокчиси бўла туриб Р. Муҳаммадиевнинг юқоридаги хатти-ҳаракатлари қизиқ...

Айтганча, мақола чиққандан кейин ҳоким топшириғига кўра, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Низом Мелиев «Шаҳзод» фермер хўжалигига сафарбар этилибди. Йўқ, бундан мурод икки ўртада юзага келган тушунмовчиликни муроса йўли билан ҳал этиш эмас, балки «ёзғувчи» фермер устидан «материал» тўплаш экан чоғи, Н. Мелиев мақола қаҳрамони далаларини айланибди, ғалла экинлари ривожи нечоғли экани билан қизиқибди, «Шаҳзод»нинг майдонларини қўшни фермерларники билан таққослабди ҳатто.

Гувоҳларнинг айтишича, фермер далалари бошқаларникига қараганда анча яхши эканини тан олгандай бўлибди. Шунга қарамай зиммасидаги "вазифа"ни бажариш учун туман марказидан биргаликда келган сураткаш ёрдамида унда-мунда сарғайиб турган ерларнинг суратини ҳам олибди. Ҳар эҳтимолга қарши, яъни "умумий назоратчи" кўринишида таассурот қолдирмоқ учун бўлса керак, фермер далаларига туташ «Пахтаобод» канали ҳимоя зоналарини, сув чиқмайдиган ялпи ер майдонлари ҳамда контурда бўлмаган бошқа ерларни ҳам қўшиб ўлчаб кетибди!. Аммо Н.Мелиевнинг «топганлари» пичоққа илинмаслигига ақли етган шекилли, ҳоким бува бугунги кунда яккаш фермернинг «ёзган аризаси»ни пеш қилиб турмоқда экан, холос...

Ёзаман десак яна гап кўп. Бизнингча, ўзини ҳурмат қилган кишига шуниси ҳам етарли...

ХОЛИСБЕК

НЕФТЬ ЯНА АРЗОНЛАШДИ

Reuters хабарига қараганда, жаҳон товар-хомашё биржаларидаги навбатдаги савдоларда нефть баҳоси яна арзонлашган. Масалан, Нью-Йорк биржасида WTI маркали нефтнинг бир баррели 48,41 доллар, Лондон биржасида Brent маркали нефтнинг бир



баррели 47,99 доллардан баҳоланди. Умуман, сўнгги ҳафтада қора олтин нархи ўртача 7 фоизга арзонлашди.

Мутахассислар нефть баҳосининг пасайишини АҚШ фонд биржаларидаги аҳвол билан боғлиқ эканлигини айтишмоқда.

СУД ҚАРОРИНИ ТАН ОЛИШМАДИ

Араб давлатлари лигасининг Дохада ўтган навбатдаги саммитида араб мамлакатлари раҳбарлари бир овоздан Судан президенти Умар ал-Баширни қўллаб-қувватлашни билдиришди. "Биз Судан билан бирдамлигимизни билдирган ҳолда, Халқаро жиноят судининг президент Ал-Баширга нисбатан қарорини рад этамиз", дейилади саммитнинг якуний декларациясида. Ушбу декларацияни АДЛ раҳбари Амр Мусо ўқиб эшиттирди.

Эслатиб ўтамиз, БМТнинг Халқаро суди Умар ал-Баширни инсониятга қарши жиноятда айблаб, шу йилнинг 4 март куни уни қамоққа олишга ордер берган эди.

САММИТНИ БУЗМОҚЧИ ЭДИ

Британия полициясининг мамлакатнинг Девон графлигидаги Плимут шаҳрида террорчиликка тайёргарлик кўраётган беш нафар шахсни қамоққа олди. The Press Association хабарига кўра, улардан бирининг уйидан қурол-яроғ ва экстремистик руҳдаги адабиётлар топилган.



Дастлабки текширув-суриштирувдан маълум бўлишича, уч эркак ва икки аёлдан иборат бу гуруҳ ҳеч кимга суиқасд қилишни режалаштирмаган. Улар эртага Лондонда бошланадиган G20 саммитини бузмоқчи бўлишган, холос.

ФИРИБГАРЛИГИ УЧУН

Нью-Йоркда арт-дилер Лоуренс Саландер қамоққа олинди. У ўзгалар молини сотиш ва фирибгарлик йўли билан 88 миллион доллар маблағни ўзлаштирганликда айбланмоқда. AFP хабарида айтилишича, у сўнгги 13 йил мобайнида 26 нафар санъат асарлари коллекционерларини алдаган. Улар орасида 1982-1985 йилларда теннис бўйича дунёнинг биринчи ракеткаси бўлган Жон Маккенрой ҳам бор. Саландер, шунингдек, бошқаларга тегишли асарларни гаровга қўйиб Bank of America банкидан икки миллион доллар қарз олган.

Хабарда айтилишича, Саландер фирибгарлик билан топган маблағини Уйғониш даври санъат асарларини сотиб олишга ва турмуш шароитини яхшилашга сарфлаган. Унинг Манхеттенда катта уйи, шаҳар четида 26,7 гектарлик ҳовлиси ва хусусий самолёти бор. Қўйилаётган айблар исботланса, Саландерни 25 йиллик қамоқ жазоси кутмоқда.

ҚАДИМГИ БИНО ҚОЛДИҚЛАРИ ТОПИЛДИ

Кипрда қазиш ишлари олиб бораётган италиялик археологлар қадимги черков қолдиқларини топишди. Тарихчи олимларнинг таъкидлашларича, у эрамиздан аввалги XX асрга тегишли ва шу пайтга қадар топилган ер юзидаги энг қадимги ёдгорликдир. Айни пайтга қадар Кипрда эрамиздан аввалги X асрга тегишли бинолар қолдиқлари топилган эди.

Қазиш ишлари Лимассол шаҳридан унча олисда бўлмаган Пиргос-Маврораки туманида олиб борилди. Олимларнинг фикрларига кўра, шу атрофда каттагина шаҳарча бўлган. Қадимги черков вайроналаридан бошқа жойлардаги каби турли хил ҳайкалчалар эмас, балки ҳайвонларнинг шох ва суяклари топилган.

1,4 МИЛЛИАРДЛИК ШАРТНОМА

Исроилнинг Israel Aerospace Industries Ltd компанияси Ҳиндистон ҳукумати билан йирик ҳарбий шартнома имзолади. Ушбу ҳужжатга асосан исроилликлар Ҳиндистоннинг денгиз ва қуруқликдаги ҳарбий объектлари учун ракетага қарши тизим ўрнатиб беради. Шартнома баҳоси 1,4 миллиард долларни ташкил этади. Бу икки давлат ўртасидаги энг катта ҳарбий шартномадир. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, расмий Деҳли бугунги кунда Исроилнинг ҳарбий қурол савдосидаги энг катта харидори ҳисобланади.

МЕНИНГИТ КЕЛТИРГАН ФОЖИА

Нигерияда сўнгги ҳафтада 4000 нафардан кўпроқ киши менингит билан оғриган. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига қараганда, ушбу касаллик туфайли икки ҳафтада 171 нафар киши вафот этган. Жорий йилнинг бошидан буён эса мамлакатда менингит эпидемияси билан 17462 нафар киши хасталанган. Вафот этганлар 960 нафардан ошиб кетди.

Тиббиётчилар ғарбий Африкадаги вазиятдан хавотирда. Менингит билан хасталанган беморларнинг 85 фоизи Нигер ва Нигерия аҳолисидир. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакили Файдел Чейбнинг таъкидлашича, касалликнинг олдини олиш учун ҳамжамият тўрт миллион доза менингиткка вакцинаси ажратган. Бу дунёда шу касаликка қарши ишлаб чиқарилган вакцинанинг тўртдан уч қисмини ташкил этади.

ИШ ЎРИНЛАРИ ҚИСҚАРАДИ

АҚШдаги энг йирик ва нуфузли газеталар — New York Times ва Washington Post харажатларни камайтириш йўлларини изламоқда. New York Times газетаси хўжайини бўлган Times Co компанияси хизматчилар машини 6 фоизга қисқартириш ва улар таътилини 10 кунга узайтиришни режалаштираяпти. Бундан ташқари, 100 нафар ходим ишдан бўшатилади.

Washington Post газетаси ўз хоҳиши билан ишдан кетганларга компенсация бермоқчи. Шунингдек, таҳририятда беш йил ишлаган ва ёши 50 дан ошган ходимлар пенсияга чиқиши керак. Шу йўл билан 2008 йилда 231 нафар ходим ишдан бўшатилган эди.

Рекламанинг камайиши ва тиражнинг пасайиши газеталарни шундай йўл тутишга мажбур этмоқда.

ТАФСИЛОТ

Жаҳон молия бозорида

Жаҳондаги ҳар бир давлатнинг ўз пули бор. Лекин дунё бозорида муомалада бўлган пуллар саноқли. Кўп йиллардан буён АҚШ доллари асосий пул бирлиги бўлиб турибди. Долларга рақобат қилиш учун Европа давлатлари еврога ўтишди. Бу ўзининг самарасини бера бошлади, албатта. Ҳозирда маълумотларга қараганда дунё бозорида айланаётган валюта захираларининг салкам 74 фоизи доллар бўлса, 24 фоизи евродир. Қолган икки фоиздан сал кўпроқни Буюк Британия ва Япония пули — фунт-стерлинг ҳамда иена ташкил этади.

Шу ўринда захира валюта нима эканига аниқлик киритиб олсак. Захира валюта деб давлатларнинг банклари томонидан йиғиладиган ва халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган халқаро пулга айтилади. Аввалари захира валюта ролини фунт-стерлинг бажариб келган. 1944 йилда Бреттон-Вудсда бўлиб ўтган конференцияда доллар иккинчи захира валюта сифатида қабул қилинган. Шундан сўнг АҚШ пули тезлик билан барча бозорларни эгаллай бошлади ва биринчи валютага айланди.

АҚШ долларининг дунё бозорида айланиши мамлакат иқтисодининг тез ва жадал ривожланишига катта туртки берди. Америка Қўшма Штатлари қоғозга пул босиб бойиб кетди. Чунки XX асрнинг 50-60 йилларида долларга дунё бозоридаги ҳамма нарсани сотиб олиш имкони туғилди. Натижада Америка пул станоклари тўхтамасдан ишлади ва дунёдаги энг янги технологияларни сотиб ола бошлади. Бундан ташқари, энг ақлли одамларни ҳам АҚШга таклиф қилиш имкони пайдо бўлди.

Аммо ўтган йили бошланган жаҳон иқтисодий инқирози натижасида доллар ҳар доим ҳам муҳим пул бирлиги эмаслиги маълум бўлди. Бу жараён дунё давлатларининг олтин-валюта захираларига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Пулини миллий валютада сақлаётган фуқароларнинг маблағи қадрсизланди, долларда кредит олган компаниялар кредитни тўлай олмай бирин-кетин сина бошлади. Шунинг учун айрим шахслар ва давлатлар АҚШ долларидан воз кечиш ҳамда жаҳон мамлакатлари учун янги ягона пул яратиш ғоясини олға суришмоқда.

Жорий йилнинг 10 февраль куни миллиардер Жорж Сорос шундай ғоя билан чиқди. Унинг таъкидлашича, Халқаро валюта фондининг сунъий пул тўлаш воситаси SDR шундай вазифани бажариши мумкин. 1969 йилда муомалага киритилган бу тўлов воситасидан жаҳон иқтисодиётида унчалик фойдаланилмаяпти.

Миллий валюталардан устун турадиган тўлов воситаси яратиш ҳақида бошқа давлатлар етакчилари ва иқтисодчилар ҳам фикрлар билдиришмоқда. Масалан, иқтисод бўйича Нобель мукофоти лауреати, евронинг асосчиларидан бири Роберт Менделл ҳам дунё бугун янги валютага муҳтож эканини таъкидлади. У ўз вақтида иқтисоди бир хил ривожланган мамлакатлардагина бир валютага ўтиш мумкин деган ғояни олға сурганди. Шунинг учун еврога Шарқий Европа мамлакатларининг қўшилишига қарши чиққанди. Лекин бугунги вазият уни бошқача фикрлашга мажбур этган кўринади. Менделл эртага Лондонда ўз ишини бошлайдиган G20 учрашувида йигирмата йирик давлатлар раҳбарларини шу ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақирмоқчи.

Жаҳон молия бозорига янги валютани муомалага киритиш ғоясига расмий Москва ҳам тарафдор. Россия президенти Дмитрий Медведев Лондон учрашувида долларга алтернатив валюта яратиш ташаббусини олға сурмоқчи. Унинг таъкидлашича, ё тўлов воситаси вазифасини бажарадиган минтақавий валюталар сонини кўпайтириш керак ёки миллий валюталардан устун турадиган янги валюта жорий этиш лозим. Дунё бозорида битта давлат пулининг ҳукмрон бўлиб қолиши юқоридаги каби глобал инқироз ларни келтириб чиқаради ва унинг олдини олишни қийинлаштиради. Медведевнинг фикрича, янги валютани чиқариш ва муомалага киритиш масалалари билан халқаро молия ташкилотлари шуғулланиши керак.

Бу масалада Хитой ҳам Россияни қўллаб-қувватлашга тайёр. Жорий йилнинг 24 март куни мамлакат марказий банки жаҳон молия тизимини ислоҳ қилиш бўйича дастурини эълон қилди. Унда Хитой ягона валюта сифатида юқорида тилга олинган Халқаро валюта фондининг тўлов воситаси SDRдан фойдаланишни таклиф этяпти. Хитой дастурида доллар ҳақида бир оғиз ҳам сўз айтилмаган бўлса-да, Америка валютаси ҳукмронлик қилаётган бугунги молиявий тизим танқид қилинган.

Яна бир гап. Хитой марказий банки Аргентина билан 70 миллиард юанни алмаштириш бўйича шартнома тузди. Ушбу шартномага биноан Аргентина Хитой моллари учун юанда ҳақ тўлайди. Хитой марказий банки 2008 йил давомида олтита мамлакат билан шундай шартнома имзолаган. Бундай шартномалар давлатлар ўртасида доллар ва евросиз савдо қилиш имконини беради.

Албатта, янги валюта муомалага киритиладиган бўлса, бу АҚШ учун жуда катта зарба бўлади. Чунки Қўшма Штатлар, юқорида таъкидлаганимиздек, қоғозга пул босиб жаҳондаги энг ривожланган мамлакатга айланди. Керакли нарсани сотиб олиш учун қанча валюта зарур бўлса, шунча пул чиқарди. Бугун дунё бозорида қанча доллар борлигини ҳеч ким билмайди. Шунинг учун янги пул яратиш ғоясига Оқ уй раҳбари Барак Обама бирдан қарши чиқди. Унинг таъкидлашича, АҚШ дунёдаги энг ривожланган ва энг осойишта мамлакат. Бундан ташқари, кейинги кўрилган чора-тадбирлар туфайли доллар дунё пули сифатидаги ўз вазифасини яна бажара бошлади. "Мен Америка иқтисодига ҳам, долларга ҳам ишонаман", деди президент.

Аммо ҳақиқатан ҳам шундайми? Жаҳон иқтисодий инқирози нимадан ва қайси давлатда бошланди? Бугун буни ҳамма билади. Шундай экан, АҚШ иқтисоди яна ўзини ўнглаб олади, деган гапларга ҳамма ҳам катта ишонч билдираётгани йўқ. Чунки бугун кўрилаётган чораларга қарамай, мамлакатда саноат корхоналари ёпилиб, ишсизлар сони ортиб бормоқда. 2009 йилги давлат бюджетидаги дефицит 1,8 триллион долларни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, АҚШнинг ташқи қарзи 2008 йилнинг кузига келиб 10 триллион доллардан ошиб кетди. Шундай ҳолатда яна долларга ишонса бўладими? Бугун жаҳон иқтисодчилари шу саволга жавоб излашмоқда.

Жаҳон молия бозорида яқин пайтда янги пул муомалага кирадими? Бу саволга бирдан жавоб бериш қийин. Бугун Лондонда ўз ишини бошлайдиган йигирма йирик давлатлар раҳбарлари глобал иқтисодий инқирозга қарши биргаликда курашиш йўлларини излашади. Ва шундай йўллардан бири сифатида янги валюта яратиш масаласи ўртага ташланиши мумкин. Лекин у кўпчилик томонидан қандай кутиб олинади? Бу ташаббусни қўллаб-қувватловчилар кўпчиликми? Бу ҳозирча аниқ эмас.

Интернет хабарлари асосида Голибжон ТУРСУНОВ тайёрлади.

НИГОҲ

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Оҳуни она табиат қўйнида яқиндан кўриш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. У фақат шоирларимиз шеърларида маъсумалик ва гўзаллик рамзи бўлиб, қалбимизга сингган. Унинг кўзлари не-не гўзалларнинг кўзларини уялтирган. Бу тоғлар маликаси чопқирлиги, ҳуркаклиги билан ном чиқаргани ҳам маълум.

Оҳулар оҳ урмасин

Форишда бўлганимда у ерликлар бир воқеани айтиб беришганди. Нажот излаб, шу ҳудудлардан макон қидирган жайроннинг энг сўнггисини ҳам шу ерлик овчилардан бири отиб олган экан. Ўшанда у табиатга қай даражада зарба берганини ҳис қилганмикан? Бир пайтлар Жиззах, Мирзачўл, Сирдарё ҳудудларида жайронлар подаси бўлганини тарихий маълумотлар тасдиқлайди. Айтишларига қараганда, ерлар режасиз ўзлаштирила бошланганидан, самолётлар ҳаводан заҳарли дорилар ёғдиравергани-дан, тўқайзор-у, қамишзорларга ўт қўйиб юборилганидан кейин улар чора тополмай Бухоро тарафга қочиб кетишган экан. Йўл-йўлакай бир қанчаси юлдузни бенарвон урадиган мерганларнинг ўқига нишон ҳам бўлишган экан. Ривоятларга кўра, юқорида биз тилга олган овчининг тақдири эса оҳуникидан ҳам баттар бўлибди. Ёлғизгина ўғли оламдан ўтибди. Унинг фарёди Арнасой чўлларини жунбушга келтирибди. Тоғ-у тошлар: "Сен кийикни отдинг", деган акс-садо қайтарибди...

Хўш, бу жонзотларни ҳимоя қилувчи бирор мард борми? Ҳа, бор. Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфидаги "Жайрон" экомаркази кийиклар ҳимояси билан шуғулланмоқда.

— Марказ 1976 йилда ташкил этилган, — дейди қўмитанинг бионазорат бўлими бошлиғи Ўлмас Собиров. — У 7 минг 122 гектар майдонни эгаллайди. Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган бу қўриқхонани ташкил этишдан мақсад — мамлакатимиз табиатининг биохилмахиллигини сақлаб қолишга ҳисса қўшишдан иборат. Ёввойи ҳайвонларнинг ноёб турларини кўпайтириш бўйича иш олиб бораётган марказ жайрон, Преживальский оти, кулон каби ҳайвонларнинг ноёб турларини сунъий равишда кўпайтириш ишларини олиб бормоқда. "Жайрон" экомаркази жамоаси томонидан сунъий равишда урчитиб, табиат қўйнига қўйиб юборилган жайронлар сони мингдан ошиб кетди. Ҳозирги кунда жайронхоналарда 600 дан ошиқ жониворлар парваришланаяпти. Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган экомарказ мутахассислари етиштираётган ноёб ҳайвонлар "Қизилқум" давлат қўриқхонаси, Нурота тоғ-ёнғоқзор давлат қўриқхонаси, Китоб давлат геологик қўриқхонаси, Навоий, Қашқадарё вилоятларидаги чўлларда табиий ҳолда кўпаймоқда. Экомарказ ҳудудида ҳайвонларнинг 8 тури бор. Шундан 4 тури Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоб"ига ҳам киритилган. Экомарказ жамоаси Бухоро табиий қўйини ҳам кўпайтирмоқда. Уларнинг 2 таси парваришланиб, 9 бош насл олинди. Яқин келажакда бу жониворлар ҳам табиат қўйнига — эркин ҳаётга қўйиб юборилади.

Оҳуларни ҳайвонот боғларида эмас, табиат қўйнида кўриш биз учун бир пайтлар орзу эди. Бундай ноёб жониворлар сонини кўпайтириш учун сидқидилдан ҳаракат қилаётган инсонлар бор экан, орзуларимиз рўёбга чиқса, не ажаб. Бироқ, бир истиҳола ҳам йўқ эмас. Аждодларимиз кўзини қувнатган бу жониворлар бугун айрим нафсидан бошқа ҳеч нарсани билмайдиган кишилар назарига тушмаса эди.

Кенг ва тиниқ ўтлоқлардаги шабнамларда изларини қолдириб эмин-эркин юрган оҳулар! Оҳ...улар. Ҳечам оҳ урмасин, улар!

Пардабой ТОЖИБОЕВ

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

"Зарафшонда бахтимни топдим"

1967 йили Мурунтов конининг ишга туширилиши муносабати билан дастлаб посёлка сифатида тамал тоши қўйилган бугунги Зарафшонга Украинанинг Харьков вилояти Қурилиш-муҳандислик институти битирувчиларидан 11 нафари жалб этилди. Илгари қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган, минг йиллар давомида саксовулзор, янтоқзорлардан иборат барханларни забт этиш учун қурувчидан катта фидойилик, матонат ва сабр талаб этилади. Қишда совуқ шамол, ёзда иссиқ гармсел ҳукмронлик қиладиган бу чўлу биёбонда кафтдек соянинг ўзи йўқ эди. Офтоб тиғида "ёнаётган" темир вагонларда сал-пал нафас ростлаш мумкин эди, холос. Бу ерларга меҳнат қилиш учун келган қанчадан-қанча мутахассислар у ёки бу сабабни рўкач қилиб, чўлни тарк этган ҳоллар ҳам кўп бўлган.

СУРАТДА: *Республикада хизмат кўрсатган қурувчи Николай Дяков*

Ўз касбига содиқ қолиб, ҳаётнинг барча қийинчиликларини сабр билан енгиб ўтганлар қаторида Николай Семенович Дяков ҳам бор эди. Касбига меҳр қўйгани, топширилган вазифани виждонан ва сидқидилдан бажаргани боис тақдир бу инсонни қурувчилар сафининг пешқадами сифатида танилишига сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас. Ўз ишига ўта масъулият билан ёндашганлиги туфайли, у лаборатория муҳандиси вазифасидан Зарафшон қурилиш бошқармаси бошлиғи лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. Мазкур қурилиш ташкилоти Навоий кон-металлургия комбинатининг етакчи корхоналаридан бири ҳисобланади. Жамоа Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларининг саноат ва ижтимоий объектлари, қурилиш ҳамда коммуникация соҳасини тиклаш, капитал таъмирлаш, реконструкциялаш ишларини амалга оширади. Раҳбар бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг қийинчиликларидан бири — кадрлар қўнимсизлигидан, яъни асосий мутахассисларни сақлаб қолишга эришди. Бу Николай Семёнович эришган катта муваффақиятлардан бири эди.

Н.Дяковни бу ерга келган кунидан буён биладиган, яхшиёмон кунларида у билан бирга бўлган дўстлари, ёру биродарлари, ҳамкасблари қаҳрамонимизнинг самимийлиги, чин инсоний фазилатларини бот-бот эътироф этадилар. Навоийлик ижодкорлар бу инсон ҳақида тузуккина китоб ҳам чоп этганлар. Унда Николай Семёнович шундай дейди: "Қалбимнинг ярми туғилган юртим — Украинанинг узоқ Печенеги қишлоғида бўлса, қолган ярми — қирқ йилдан ортиқ умрим ўтаётган Зарафшон шаҳридадир. Қишлоғимда ўқиб, улғайдим, Ўзбекистонда эса маънан ва жисмонан шакландим, ўзлигимни англаб етдим. Шу ерда оилали, фарзандли бўлдим. Бу юрт мен учун азиз, муқаддас. Мен Зарафшонда бахтимни топдим."

Зарафшондаги йирик қўшма корхоналарни бунёд этиш Н.Дяков раҳбарлигидаги қурувчилар учун алоҳида мактаб бўлди дейиш мумкин. Хорижлик ҳамкорлари томонидан тузилган шартномада қурилиш сифати ва унинг бажарилиш муддати билан боғлиқ қатъий шартлар қўйилган эди. Бунёдкорлик ишларининг талаб қилинганидан ҳам кўра аввалроқ амалга оширилгани ҳамкорларни лол қолдирди. Хусусан, Қизилқум фосфорит мажмуаси қурилиши зарафшонлик қурувчиларнинг заҳматли меҳнатлари туфайли бунёд этилгани тўғрисида матбуотимизда ҳам материаллар берилганди. Бундан ташқари Н.Дяков бошлиқ жамоа "Учқудуқ — Нукус" темир йўл магистралини бунёд этишда ҳам астойдил жонбозлик кўрсатишди. Мазкур темир йўл магистралининг юртимиз иқтисодиётидаги аҳамияти катта. У республиканинг шимолий ҳудудларига энг қисқа йўл бўлиши билан бирга Ҳамдўстлик давлатлари ўртасидаги муносабатларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Охирги йилларда Зарафшон қурилиш бошқармаси томонидан қурилган йирик иншоотлардан бири "Кончи" пансионати ҳисобланади. У Навоий кон-металлургия комбинати ишчи-ходимларининг ҳордиқ чиқариши учун мўлжалланган. Тошкент вилоятининг Чорвоқ сув омбори ҳудудида барпо этилган бу замонавий дам олиш масканида барча шарт-шароитлар яратилган. Пансионат таркибида "Олимпиячи" болалар соғломлаштириш маскани ҳам мавжуд бўлиб, ёзги таътил кунларида бу ерда 600 нафардан зиёд ўғил-қиз дам олиши мумкин. Бундан ташқари Зарафшон қурилиш бошқармаси томонидан барча қулайликларга эга 300 минг квадрат метрли турар-жой бинолари, тиббиёт муассасалари, лицей ва коллежлар, истироҳат боғлари қуриб фойдаланишга топширилди.

— Мутахассислигим бўйича муҳандис қурувчиман, — дейди Зарафшон шаҳар ҳокими Аҳмаджон Умаров.— Николай Семёнович менинг устозим ҳисобланади. У кишидан жуда кўп нарса ўрганиш мумкин. Масалан, Дяков ўз касбининг сир-синоатларини нозик илғайди. Энг ноқулай вазиятларда ҳам муаммоларни ҳал этишда тажрибаси катта. Муҳими, бу инсоннинг ички дунёси бой. Шу хусусияти туфайли биз уни зарафшонликларнинг фахри дея оламиз. Хорижликлар Николай Семёнович билан ҳамкорлик қилгандан сўнг уни "чўл мўъжизакори" деб бежиз атамадилар. Бу соҳага у оз эмас, кўп эмас қирқ йилдан ортиқ умрини бағишлади.

Н.Дяковнинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У 1995 йилда "Республикада хизмат кўрсатган қурувчи" унвонига сазовор бўлди.

— Меҳнатда эришган ютуқларимда спортнинг фойдаси катта бўлган, — дейди Николай Семёнович. — Сабаби мунтазам равишда спорт билан шуғулланганим боис соғ-саломатман, шу боис ишда омадим келган.

Н.Дяков футболга ҳам жуда қизиқади. Футболга ҳомийлик ҳам қилади. У "Қизилқум" футбол клубининг раҳбари ҳисобланади. Кунларнинг бирида қурувчининг 7 ёшлар чамасидаги неварасидан: "Бобонг ким бўлиб ишлайди?"—деб сўрашганида, "Менинг бобом — футболчи!"— деб жавоб берган экан.

Мамлакат НОРМУРОДОВА,
"Hurriyat" мухбири. ®

ХАТ

Адолатга ишонаман, лекин...

Ҳурматли таҳририят!

Мен анчадан буён сизларга мурожаат қилишни ният қилиб қўйгандим-у, аммо элга дардимни достон қилмасдан ҳам ишим ижобий ҳал бўлиб қолар деган хаёлда хат битишни орқага ташлаб келаётгандим. Йўқ, бўлмади. Бунинг устига, Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган 2008 йил якунлари ва 2009 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилишида Президентимизнинг нутқларини телевизорда эшитиб, қалбим тўлқинланиб кетди, кўзларимга ёш келди. Ахир, Юртбошимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб тадбиркор ва ишбилармонларнинг бошини силаб, уларнинг ҳалол ва фидокорона ишлашига тўсқинлик қилаётган ғовларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриб келмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида тартиб-интизом ўрнатилдики, бундан асло кўз юмиб бўлмайди.

Шунингдек, текширишларни тартибга солиш бўйича Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилиниб ҳаётга татбиқ этилди, тадбиркор ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиладиган қонунлар ишлаб чиқилдики, бундан фақат фахрланамиз. Бироқ, ҳамон айрим назоратчилар бугунги давр талаб даражасида фаолият юритаяпти дейиш қийин.

Келинг, энди бундай фикрга келишимга сабаб бўлган «характерли» мисолни баён қилай. Биз ишлаб чиқараётган озиқ-овқат маҳсулотлари дунёдаги ривожланган мамлакатларда бўлиб ўтган Халқаро ярмаркаларнинг сифат совринига сазовор бўлган. Испанияда бўладиган навбатдаги анжуманга таклифнома ҳам олган эдим, лекин боролмадим. Мен барча қонун-қоидаларга амал қилиб ишлаб, солиқларни вақтида керагича тўлаб давлатимиз хазинасини бойитиш учун, ўзим ҳам тўқ бўлиш учун меҳнат қиламан деб ўйлагандим. Бу баъзи бировларга ёқмади, шекилли. Мана учинчи йилдирки, ҳақиқатни тиклайман деб судма-суд, идорама-идора сарсонман. Аввалига, солиқчилар елкамга юклаган ўн беш миллион сўмнинг ноқонунийлигини исботлайман деб бир йил югурдим. Суд орқали буни исботладим ҳам! Сўнгра эса «кўрсатиб қўямиз сендақа ҳақиқатпарварга» дегандай, Олий хўжалик суди даражасида ноқонуний деб топилган факт бўйича менга нисбатан жиноят иши қўзғатишди ва мен.. суд ҳукми билан жиноятчига айландим. Ҳа, Олий хўжалик суди ноқонуний деб топган фактни Жондор туман жиноят суди қонуний деб, ҳукм ўқиди! Шу бўйи, ҳақлигимни исботлаёлмай, икки йилдан буён Бухоро–Тошкент ўртасида қатнайман. Меҳнат қилишга, моддий неъматлар ишлаб чиқаришга, кўпроқ фойда олиб давлатга кўпроқ солиқ тўлашга сарфлашим керак бўлган вақтимни мана шунақа ишларга сарфлаяпман. Нима қилай?

Энди, гапларимни тасдиқлайдиган ҳужжатларга мурожаат қилайлик.

1. Ғиждувон тумани Давлат солиқ инспекцияси (ДСИ) текширувининг 2007 йил 28 февралдаги далолатномасида кўрсатилишича, мен, тадбиркор Ш. Бафоев жуда катта миқдордаги яширилган солиқ – 15.551.252 сўмни тўлашим зарур.

2. Бухоро вилоят хўжалик судининг 2007 йил 23 мартдаги Ҳал қилув қарорида айтилишича, даъвогар Ш. Бафоевнинг даъвоси қаноатлантирилиб, жавобгар – Ғиждувон туман ДСИнинг тўлов талабномаларини ижро этиш мумкин эмаслиги қайд қилинган. Яъни, тадбиркордан талаб қилинаётган жарима асоссиз, ноқонуний деб топилган. Сабаби, 15 миллион сўмдан ортиқ жарима суммасининг асосий қисмини ҳали қуриб битказилмаган, бунинг устига, бошқа бир фирмага сотиб юборилган бино учун гўёки тўланмаган солиқ миқдори ташкил қилади. Суд, шунингдек, бошқа тўловларни ҳам асоссиз деб топган.

3. Бухоро вилоят хўжалик суди апелляция судлов ҳайъатининг 2007 йил 16 майдаги қарори билан юқоридаги Ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди. Бунга қўшимча равишда Ғиждувон туман ДСИнинг бир неча ходимларига нисбатан менга ноқонуний жарима қўллаганликлари учун интизомий жазо чораси кўриш бўйича Хусусий ажрим чиқарди.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2007 йил 14 августдаги Қарори билан юқоридаги суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилди.

5. Жиноят ишлари бўйича Жондор туман суди эса 2007 йил 2 октябрдаги Ҳукми билан мени Жиноят Кодексининг 184-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топиб, энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари (1.242.000 сўм) миқдорида жарима жазоси белгиланди. Яна, «Тумори Сарвар» хусусий фирмаси томонидан 23.06.2007 йилда ўтказилган 13 миллион сўм, М. Бафоев томонидан 23.06.2007 йилда ўтказилган 3.019.700 сўмдан 15.599.700 сўми давлат эгалигига ўтказилди. Яъни, туман ДСИ ходимлари «Биллур БШС» фирмаси «солиқдан яширган» деб топган сумма!

Жуда қизиқ ва мураккаб ҳолат юзага келаяптики, бу манзара ҳуқуқшунос олимларга ҳам, қонун соҳаси вакилларига ҳам мунозара объекти бўлиб хизмат қилиши мумкин. Яъни: Олий хўжалик суди қарорини жиноят ишлари бўйича туман суди бекор қилиш ёки инкор этиш ваколатига эгами ёки йўқми?

Энди, мулоҳаза юритилаётган фактнинг қандай қилиб жиноят ишлари бўйича судга етиб борганига изоҳ берсам: 2007 йил 23 мартда вилоят хўжалик судининг туман ДСИнинг «Биллур БШС» фирмасига белгилаган жаримасини ижро этиш мумкин эмас, деган Ҳал қилув қарори чиқди. Туман ДСИ берган апелляция шикояти ҳали судда кўрилишга улгурмай, 2007 йил 10 апрель куни Ғиждувон туман прокуратураси ҳузуридаги СВЖЖДЛҚҚД бўлими томонидан менга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Туман прокуратурасининг иш ўрганувчиси Л. Аҳадов ишни тергов қилиб, ёзган Айблов хулосаси 30.06.2007 йилда туман прокурори Б. Назаров томонидан тасдиқланган ва судга юборилган. Вассалом. Ҳукм чиқарилди. Ва бу Ҳукм жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция судлов ҳайъатининг 2007 йил 30 ноябрдаги Ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилди.

Мен ўз ҳақ-ҳуқуқимни тиклашни, бу ҳолатга ҳуқуқий баҳо берилишини сўраб Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига мурожаат қилдим. Бу идора мазкур ишни синчиклаб ўрганиб, берган хулосасига кўра, жиноят ишлари бўйича Жондор туман суди томонидан чиқарилган ҳукм баҳсли экани ва Олий хўжалик судининг ҳали бекор қилинмаган қарорига зид равишда чиқарилган бу ҳукмга нисбатан вилоят прокуратураси протест келтириши лозим бўлгани таъкидланди.

Ҳолбуки, хўжалик судларининг барча уч босқичида прокуратура вакиллари қатнашган. Масалан, биринчи босқичда – Бухоро вилоят прокурорининг ёрдамчиси М. Жамилов, иккинчи босқичда – Бухоро вилоят пркурорининг ёрдамчиси А. Қиличев иштирок этган. Хусусан у, биринчи босқич хўжалик суди қарорини ўзгаришсиз, Ғиждувон туман ДСИ апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш, ДСИга нисбатан хусусий ажрим чиқариш фикрини билдирган.

Кассация босқичида – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси вакили иштирок этди. Уларнинг ҳеч бири менинг хатти-ҳаракатларимда қонунбузарлик аломати борлигини аниқламадилар, айтмадилар.

Шундай қилиб, жиноят ишлари бўйича Жондор туман судининг ҳукми ҳамон қонуний кучида турибди. Айни пайтда, бу ҳукмнинг ноқонунийлигини тасдиқлайдиган Олий хўжалик судининг қарори ҳам қонуний кучида эди, 2009 йил 26 февралгача. Қарор олдин, ҳукм кейин чиқарилган. Бироқ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг юқоридаги ҳукм асоссизлигини таъкидлаб юборган хулосасидан кейин, 2009 йил 7 январь санаси билан Бош прокуратура хўжалик судларининг барча босқич қарорларини бекор қилиш. тўғрисида протест киритди... Олий хўжалик суди 2009 йил 26 февралдаги қарори билан бу протестни қаноатлантириб, Бухоро вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг ва Олий хўжалик суди қассация инстанцияси қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун шу вилоят хўжалик судининг биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор чиқарди!

Тўғри, давлат манфаати нуқтаи назаридан балки бир томондан ёндашилса, солиқчилар белгилаган 15 миллион сўмнинг давлат хазинасига туширилиши эҳтимол мақсадга мувофиқдир. Бироқ, ҳуқуқий-демократик жамият қураётган, қонун устуворлиги йўлида катта саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётган мамлакатда аввал қонун устувор бўлиши керак эмасми? Қолаверса, айтайлик, ноқонуний қарордан азият чеккан ва ишдан ҳафсаласи совиган тадбиркор, кейин тўлаши мумкин ва лозим бўлган юз миллионлаб сўм солиқни тўлаш имкониятидан махрум бўлмайдими? Фирмам 1992 йилда ташкил этилган, 1996 йилда қайта рўйхатдан ўтган, кейинги даврда давлат хазинасига йилига ўртача 20 миллион сўмдан солиқ тўлаб келганман. Ўйлайманки, адолатли хулосага келинади. Юртимизда ҳуқуқий-демократик жамият сари дадил қадамлар қўйилган. Шу боис, ҳақ қарор топишига ишонаман.

Шариф БАФОЕВ,
Ғиждувон туманидаги «Биллур БШС» хусусий ишлаб чиқаришти-жорат фирмасининг раҳбари,
II гуруҳ ногирони.

ИЗЛАНИШ

КАМОЛОТ ҒУНЧАЛАРИ

Илм олиш ва ижод қилиш инсонни юксакликка етаклайди. Донишмандликка чорлайди. Қалбда эзгу ниятларни уйғотиб, дунёни теранроқ англашга, мушоҳада қилишга ўргатади. Шарқнинг улуғ алломаларидан Юсуф Хос Ҳожиб бежиз асарларининг бирида: кимда билим бўлса, буюклик олар, демаган.

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги Ўқувчилар ижодиёти маркази ёш авлодни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш, бой маънавий меросимиздан баҳраманд бўлиши учун самарали лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Марказда тўрт минг нафардан ортиқ ўқувчи 22 та йўналиш бўйича 415 та тўгаракларга қатнашади. Ногирон болалар ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун алоҳида шарт-шароитлар яратилган. Ўқувчиларга малакали мураббийлар ўз қизиқишларига қараб касб-ҳунар сирларини ўргатиб келишмоқда.

— Бизда иқтидорли ўқувчилар жуда кўп. Уларнинг илмга, касб-ҳунарга бўлган қизиқишларини кўриб, ҳавасингиз келади. Масалан, куроқчилик, чеварчилик, рақс тўгаракларида таҳсил олган қизларимиз республика миқёсида ўтказилаётган кўрик-танловларда совриндор бўлиб келаётгани жамоамизни қувонтиради. Спорт бўйича ўғлонларимиз эришган натижалар юқори баҳоланаётгани ҳам алоҳида эътирофга лойиқ, — дейди марказ директори Хуснидин Исмоилов.

Дарҳақиқат, Ўқувчилар ижодиёт марказида Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган «Аждодлар мероси – бебаҳо бойлик», «Байроғимиз – фахримиз», «Қомусимиз – ор-номусимиз», «Китоб – қалбимиз чироғи», «Сен ёлғиз эмассан, болажон», «Ҳунар – бахт калити» каби учрашув ва давра суҳбатлари ўқувчилар ҳаётида ўчмас из қолдирди.

Марказнинг иш фаолиятида улуғ шоирларимиз Алишер Навоий, Бобур таваллудига бағишлаб ўтказилган тадбирлар ўқувчилар қалбини тўлқинлантирди. Бундай адабий мулоқотларга ҳаёт тажрибасига эга зиёлилар, соҳа мутахассисларининг жалб этилаётгани ёшлар билимининг ошишига хизмат қилаяпти. Муҳими, ижодиёт маркази ҳар куни ўқувчилар билан гавжум. Улар бу ерда ижодий қамолга етишиб, мустақил ҳаётга тайёрланмоқда. Ўқувчилар аждодларимиздан мерос бўлган касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаб, уларга муносиб издошлар бўлишга ҳаракат қилишмоқда.

Ширинои АСРАНОВА,
Ўқувчилар ижодиёти маркази маънавий тарғибот бўлими мудири.

КИНО ТАҚРИЗ

Ҳаммага бирдек ёқадиган кинони яратиш осон эмас. Бу ҳозирги пайтда янада оғирлашиб бормоқда. Сабаби ҳар ойда тўрт-бешта фильмнинг тақдимоти ўтказилаётган бир пайтда улар орасида энг яхшисига сазоворини танлаш қийин. Қолаверса, бугун шунчаки қўл учида яратилаётган фильмлар билан томошабин олқишини олиб бўлмайди. Шундай экан, одамлар эътиборини қозониш учун кино мутахассислари изланиши, янгилик яратиши керак. Бу — шу кунининг талаби. Акс ҳолда режиссёр ва сценарий муаллифининг меҳнати ҳавога совурилади.

БОЛАЛАР ҲАҚИДА ЯНА БИР ФИЛЬМ

Ўтган йил "Ўзбеккино" миллий агентлиги фаолиятида кўплаб эсда қоладиган муҳим воқеаларга бой бўлди. Киностудиялар ва хусусий студияларда давлат буюртмаси режасидан ўрин олган фильмларнинг ҳаммаси яратилди. Уларнинг кўпчилиги аллақачон кенг омма эътиборига ҳавола этилди ҳам. "Афюн гирдоби", "Телба", "Ойдиной", "Жаннат қайдадир", "Иблис девори", "Ой остидаги ҳовли", "Сув ёқалаб" ва шу каби бир нечта фильмлар бунга мисол бўлиш мумкин.

Шунингдек, "Ўзбеккино" миллий агентлиги томонидан йил давомида ҳокимликлар билан биргаликда барча вилоят ва туманларда "Ўзбек миллий кино санъати кунлари" ўтказилди. Бундан кўзланган асосий мақсад: биринчидан, юртимизнинг узоқ овул ва қишлоқларида яшаётган одамларни янги фильмлар билан таништириш бўлса, иккинчидан кино ижодкорларимиз яратаётган маҳсулотларга омма эътиборини қаратиб, ютуқ ҳамда камчиликларни аниқлашдан иборатдир. Чунки ижодкор асарига чинакам баҳони фақат халқ бериши мумкин. Ўзбек киносини ривожлантиришга қаратилган яна бир муҳим жиҳат шундаки, яратилган ҳар бир янги асар катта экранларда намойиш этилишидан аввал таниқли режиссёрлар, операторлар, рассомлар, композиторлар, киношунослар ҳамда журналистлар иштирок этган тақдимот маросимини ўтказишади. Бу эса ўз навбатида мутахассислар учун янги кинони ўзаро муҳокама қилиш имкониятини яратади. Агарда фильм муваффақиятсиз чиққан бўлса, уни элга намойиш этишдан, албатта, ҳеч қандай мантиқ йўқ. Ўзи шундоқ ҳам айрим режиссёрлар бугун тижорат мақсадида хаёлига келган мавзудаги фильмни суратга олишаяпти. Бу одамларнинг ҳам, профессионал кино усталарнинг ҳам ғашига тегаяпти. Шунинг учун ҳар бир янги фильм тақдимотини ўтказиш бугун анъанага айланди.

Яқинда республика Киночилар уйида Рихсивой Муҳаммаджонов режиссёрлигида суратга олинган "Чол ва набира" номли яна бир янги фильмнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Аввало ушбу кинонинг қисқача мазмуни билан танишиб олсак. Асосий қаҳрамонлардан бири Ғанишер етти-саккиз ёшлардаги уришқоқ, қайсар бола. У бувасига шу даражада ўрганиб қолганки, унинг ёнидан бир қадам ҳам жилгиси келмайди. Чол қаёққа борса, у ҳам "дум" бўлиб эргашади. Онасининг вафотидан сўнг эса бувасига бутунлай ёпишиб олади. Минг афсуски, кутилмаганда бирдан-бир суянган буваси ҳам уни ёлғиз қолдиради. Давомийлиги тўқсон дақиқадан иборат бўлган мазкур фильмда воқеалар кетма-кетлиги мана шундай.

Энди бевосита кинонинг ютуқ ва камчиликларига баҳоли қудрат тўхталсак. Маълумки, бу яқин йиллар ичида боланинг ўй-кечинмалари, унинг психологиясини кўрсатиб беришга қаратилган фильмлар яратилмаган эди. Мутахассислар яхши биладики, болалар иштирокидаги киноларни ишлаш жуда мураккаб, айни пайтда масъулиятли ҳамдир. Рихсивой Муҳаммаджонов шу мавзуда фильм яратишга қўл урибдими, демак хайрли иш бошлабди. Фақат бир нарсани таъкидлаш жоизки, бирор теша тегмаган мавзу танланган билан унинг моҳиятини очиш, одамларга етказиб бериш ҳам муҳим. Мазкур фильмнинг қанчалик муваффақиятли чиққан ёки чиқмаганини эса томошабинлар ва кино мутахассислари баҳолайди, албатта.

Шу ўринда фильмни кўрган кишини бир савол ўйлантириши табиий. Яъни сценарийси беш йил муқаддам ёзилган бу фильмдан кўзланган асосий мақсад: ёшини яшаб бўлган бобо ва набиранинг бир-бирига айтадиган гапларини, қарашларини, ўй-кечинмаларини тасвирлашми ёки улар образлари орқали ҳаётда учраб турадиган ота-онанинг ўзаро жанжаллари ва шунга ўхшаш ҳаёт икир-чикирларини кўрсатиб беришми? Бундай дейишимизнинг бир нечта сабаблари бор, албатта. Фильмда бир мавзуга жиддий эътибор қаратилмаган. Яъни кино ижодкорлари ҳаётда учрайдиган ҳар бир иллат ва муаммога урғу бераверишлари одамнинг меъдасига тегади. Айтайлик, Ғанишернинг онасини ташлаб шаҳарга кетган отаси, шунингдек, қишлоқда ёлғиз қолган бечора аёлга эса синфдошининг севги изҳор қилиши, болакайнинг опаси бир болани севиб қолиши ва кечқурун учрашувга келиши — буларнинг ҳаммасига фильмда кенг ўрин берилган. Ваҳоланки, юқорида санаб ўтилган масалаларни битта тасвир билан ҳам ифодалаб бериш мумкин эди. Яна бир гап. Ғанишернинг опаси билан тунда учрашишга келишган ошиқ йигитнинг бу хонадонга келиш ҳолатини тасвирлашда сценарий муаллифи ва режиссиёр умумийликка йўл қўйишади: яъни атоқли адибимиз Ғафур Ғуломнинг "Менинг ўғригина болам" ҳикоясига шундоққина тақлид қилинади. Ўша машҳур ҳикояни мутолаа қилган киши яхши биладики, ўғри кутилмаганда акса уриб, ўзини сездириб қўяди. "Чол ва набира" фильмида ҳам учрашувга келган ошиқ йигит акса уриб, ҳали ухлаб улгурмаган бобо ва унинг набираларига "сир"ни очиб қўяди. Бу ҳам майли. Ўзига ўзи совчиликка келган йигит: "Қизингизни бермасангиз, кетмайман", — дея ҳовлидаги йўлакка ётиб олади. Бу ҳам камлик қилгандай чорпояга чиқиб, ёнбошлаб ҳам олади. Фильмнинг мана шу кадрлари нотабиий чиққан назаримизда. Бу ҳолатлар томошабиннинг энсасини қотириши мумкин.

Маълумки, одамнинг бошига оғир савдолар тушганида у қаддини камдан-кам ҳоллардагина тик тутади. Кўпинча ҳаётнинг оғир зарбаларига дош беролмай мункайиб қолади. Демоқчимизки, фильмдаги бобо (Пўлат Саидқосимов) кўп яхши-ёмон кунларни бошдан кечиришига қарамай қаддини букиши тугул ҳатто қўлига асо ҳам тутмайди. Қолаверса, у кинонинг бошидан охиригача бир хил кийимда юради.

"Чол ва набира" фильмидаги ютуқларни санаб ўтмаслик ҳам инсофдан эмас, албатта. Ундаги ёш боланинг гап-сўзларини, дунёқарашини, фикрлашини очиб беришга бўлган уринишлар самарасиз кетмаган. Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, Рихсивой Муҳаммаджонов фильмни суратга олишдан олдин болалар характерини яхши ўрганган, яққол сезилади. Чунки бош қаҳрамон Ғанишернинг хатти-ҳаракатлари, гаплари кишини кулдириши, йиғлатиши билан бирга болалик хотираларини уйғотади. Шунингдек, Ғанишернинг тенгдошларига ўрнак бўладиган хислатлари ўз ўрнида тасвирланган фильм ижодкорларининг ютуғи дейиш мумкин.

Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки, "Чол ва набира" фильмида ижодкорлар имкони борича янгилик яратишга интилишган. Аммо унинг болалар иштирокида анча аввал суратга олинган миллий киноларимиз "Суюнчи", "Тангалик болалар" сингари муваффақият қозониб, одамларнинг хотирасида узоқ қоладими, йўқми, албатта буни вақт кўрсатади.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.



ЯНГИ КИТОБЛАР

Теран ҳақиқат шарҳида

Яқинда "Янги аср авлоди" нашриётида Ҳаким Сатторийнинг танланган бадиий публицистикаси 3-жилди "Вақт манзаралари" деган ном билан нашр этилди. Унда анъанавий тарзда муаллифнинг турли йилларда ёзган сара мақолалари, эссе ва бадиалари жамланган.

Публицист моҳиятан ўз замонасининг тарихчиси ҳамдир. У жонли ҳаёт лавҳаларини бадиий-публицистик акс эттирар экан, бу юмуши билан даврни келажакка муҳрлайди, таассуротларини ўтмиш тажрибалари билан муқояса қилиш орқали эса вақтнинг уч мезони — кеча, бугун, эртани бир нуқтада жамлайди. "Вақт манзаралари"да худди шу тамойил асосида яратилган бадиалар тўпланган.



Таниқли ёзувчи-публицист Ҳаким Сатторий халқимиз тарихининг бурилиш даври — миллий истиқлол арафаси ва унинг дастлабки йиллари воқеаларининг ичида яшаб, уларни қаламга олганда ҳамма нарсани ўз номи билан аташга, воқеликни холис ва тўлиқ акс эттиришга интилган. Ҳаётнинг жажжи унсурлари шарҳидан йирик хулосаларгача давом этадиган тасвир қамрови китобхонда аниқ ва ёрқин таассурот ҳосил қилади.

Хусусан, мустақиллик арафасида юзага келган таҳликали вазият ҳаётда жиддий ўзгариш юз бериши тайинлигидан хабар берарди. Булар ҳақида китобда маҳорат билан ҳикоя қилинади.

"Вақт манзаралари" олдин нашр этилган "Имзоли хатлар" (2007) ва "Маҳак тоши" (2008) мажмуаларини хотималайди. Китоб тўрт қисмдан иборат.

Унинг "Сени шарафлайман, истиқлол" деган бўлимидан жой олган "Нажот кемаси", "Нима бўлди, Чўлпон юлдузим", "Ўтиш чизиғи" ва бошқа мақолаларда мустақилликнинг халқимиз ва Ватанимиз тақдиридаги буюк ролини кўрсатишга ҳаракат қилинган. "XX аср сўнгги чорагини ўзбек тарихчилари тилла ҳарфлар билан ёзадилар. Тақдирнинг бу улусга ҳадя этган бахти — Мустақиллик шунчалар улуғ маҳобатки, уни йўқдан бор бўлишдек мўъжиза билан қиёслаш мумкин", дея қайд этилади эсселарнинг бирида.

"Эзгулик соғинчлари" деб номланган иккинчи бўлимда меҳр-оқибат, ободлик-фаровонлик, маънавият-маърифат мавзуларидан баҳс этувчи бадиалар ўрин олган.

Муаллиф замондошлари ҳақидаги кечинмаларини китобнинг "Кеча ва кундуз одамлари" бўлимида жамланган битикларда акс эттирган. Уларнинг қаҳрамонлари — олим ёки альпинист бўладими ёки отасини излаётган онахонми, ўз дунёқараши, яшаш тарзи билан эсда қоларли даражада акс эттирилади.

Ниҳоят, китобнинг анчагина салмоқли қисмини мустақиллик арафасидаги ҳаёт лавҳалари ташкил этади. Мустабид тузум тартибларининг чок-чокидан сўкилиб, жамият янги ислоҳотларни кутаётган даврдаги ҳаяжонли воқеалар, миллий ўзликдан йироқ муносабатлар туфайли издан чиққан тақдирлар фожиаси шарҳларини ўқиб, истиқлолнинг қанчалик кутилган тарихий зарурат бўлганлигини яна бир бор қайта ҳис этиш мумкин. "Ёлғон дунё ҳақиқатлари", бу — эрк истагида таслим бўлмаган ғурур, доруломон кунлар келишига юракдан ишониб, қаддини букмаган умид, озодлик соғинчи билан яшаган келажак.

Умуман, мазкур китоб Мустақиллик Ҳақиқатини улуғлашга бағишланган. Қуйида ундан ўрин олган бадиалардан бирини эътиборингизга ҳавола этдик.

МЕҲР

Баҳор бу хилват тоғ қишлоғига кишиларга қувонч ҳадя этиб, ўзгача ясантусан билан кириб келади. Дастлаб кунгай томондан бир парча жой очилади: қарийб йилнинг ярмида тоғу қирларни, чўққи-ю сойларни ёпиб турган қор чойшаби қуёш ҳароратидан тешилади. Ялтироқ қор денгизида оролдек қорайиб турган бу бир парча ер, уйғонган заминнинг бу зуваласи тобора кенгая боради. У аввал кичкина рўмолча бўлса, ёйилиб катта гиламга айланади. Бу гилам яшил майсалар, анвойи гуллар билан безанади, катталашиб кетаверади ва бутун водийни қоплаб олади. Баҳор насимлари уйларга, ҳовлиларга, одамларнинг дилига ажиб бир нашъа ва севинч билан тарқалади. Қиш бўйи зич ёпилган деразалар ланг очилади, тўшаклар сим дорларга чиқариб осилади. Келинлар селгиб қолган ҳовлини дарвозагача супурадилар. Чўпон ҳам қиш бўйи бостириб кийган телпагининг қулоғини кўтариб қўяди. Гуллар униб чиқади, аввал бойчечак очилади, кейин чучмома, қўзигул... Атрофдан қушлар сайраши-ю, қўй-қўзиларнинг маъраши яшитилиб туради.



Ҳамма гўшада баҳор баёти янграб турган кунларнинг бирида ишдан қайтдим-да, уйга ҳам киргим келмай боққа ўтдим. Одатим асли шунақа. Ҳар куни сувлар шарқираб оқиб турган зардолизорни айланмасам, кўнглим жойига тушмайди. Яшил майсазорни оралаб, секин қадам ташлар эканман, ажиб хуш кайфият руҳимни енгиллаштиради, юрагим эҳтирос ва завққа тўлади, анвойи ҳидлар ва турфа ранглардан димоғим очилиб, кўзим равшанлашади. Беморларнинг инжиқликлари-ю, турли дориларнинг кўнгил айнитувчи ҳидидан вужудимни қамраб олган нохушлик аста-секин мени тарк этади. Қулочимни ёзиб учгим келади, завқим тошиб, севги ҳақидаги қўшиқларни хиргойи қила бошлайман.

Тилсиз, гунгу лол турган дарахтларга боқиб, бу сукунатда ажиб ҳикмат сезаман, бу ердаги қандайдир уйғунлик, мутаносиблик шу дарахтлар лашкарини тартибга солиб тургандек туюлади. Манави қари тут гузаримиздаги донишманд чолни эслатади. Анави қийғос очилган олча эса катта янгам — Ойсара таннозга ўхшайди. Мана, асрлар юзини кўрган ёнғоқ салобатли шохлари билан биз узоқ йил онам билан ўтказган қаролининг бошига эгилган. Қўшнимизнинг боғидан кўчириб ўтказилган қароли ғарқ гуллаган. Азим ёнғоқ дарахти унинг бу ҳуснига суқ билан термилиб тургандек. Улкан зардолиларнинг бошида сават-сават гул, олмалар ҳам нақшин мевалар тугай деб ўзини гулга ўраган. Боғ гул қўйнида, унинг бағрида ўзига хос тириклик бор, ҳаёт уфуриб турибди. Капалаклар учиб-қўниб яйрайди, асаларилар белни боғлаб бол тўплайди, турли-туман қушлар дарахтдан-дарахтга ўтиб, нағма-соз қилади.

Бу боғни онамнинг бобоси барпо қилган. Мана шу гўшада бир неча авлодимиз яшаб ўтган. Тоғамни урушга шу ердан кузатганлар. У қайтмаган, дом-дараксиз кетган. Онам ҳамон бот-бот тоғам ўтқазиб кетган олма тагига ўтириб, укасини эслайди, селу сув бўлиб йиғлайди. Мен яқинда шифокор бўлиб қайтдим. Онам кейинги пайтларда тез-тез қошига чорлаб, бир гапни такрорлайди: "Энди бу боғнинг эгаси сен, болам".

Айланиб юриб, шаршарани олдидан чиқиб қолдим. Қирдаги булоқдан оқиб келиб, бизнинг боғдан ўтадиган ариққа теракдан узун нов ясаб шаршара қилинган. Уни сувнинг мусиқасини тинглаш учун қилишганми-йўқми, билмадим-у, лекин новнинг тагига челакни қўйиб, сувга тўлатиш жуда ўнғай. Шу ерда кичкина супа ҳам ясалган, у сомон лой билан обдон шиббалаб сувалган. Супанинг бир четига тандир ўрнатилган. Тандир учун бу жойнинг танланиши бежиз эмас. Сувга яқин, кейин эса каттагина зардоли бу ерга қуюқ соя ташлаб туради. Мен боғ айланиб тиниқлашган зеҳним билан супани, тандирни кузата бошлайман, уларни синчковлик билан томоша қиламан. Димоғимга тандирдан энди узилган нон ҳиди урилгандек бўлади, "иссиқ нонни муздек булоқ сувига бўктириб еса, қўй гўштига тенг бўлади", деган нақлни эслайман. Ҳозир кўпроқ сомон лой билан сувалган супа, мўъжазгина тандир менга азим дарахтлар, ҳар хил майса-гиёҳлар уммонида одамзот нафаси уфуриб тургандек бўлади. Шунда боғнинг, бутун табиатнинг сарлавҳасини топгандек бўламан, "Қаергаки инсон қўли тегибди — ўша ердан тириклик нафаси уфуради", деб мушоҳада қиламан. Супа ва тандир табиат қўйнида одам яратган обидадек туюлади менга.

Мана, супа четида челак турибди. Челак ҳам одамзот ижоди, унинг маъноси — сув сақланадиган идишлигида, моҳияти эса... Нима дейиш мумкин? "Моҳият" қидириб унга яқинлашаман, унинг ичига қарайман ва... бирдан жунжикиб кетаман. Дастлаб кўзимга иккита қуш челак тубида қанотларини ёзиб ўтиргандек туюлади, кейин эса челак бўш эмаслигини, сув билан тўла эканини идрок этаман ва энди сув юзида сузиб юрган иккита қушни аниқ кўраман. Уларнинг пати юлиниб кетган, қанотлари сув юзида ёйилиб ётарди. Қушлар жонсиз эди. Бири полопон эканини ажратиб олиш қийин эмас. Иккинчиси онаси бўлса керак. Бирдан кўзим чарақлаб очилади, ўлик жонзотни кўриб, ҳаяжондан ўтмаслашган зеҳним гап нимада эканини идрок этади. Демак, тепада, эҳтимол супага соя ташлаб турган зардоли шохида қушларнинг ини бўлган, шу ерда бола очган, ҳали қанот чиқармаган полапон қулаб, сув тўла челакка тушган. Бу даҳшатни кўриб турган она қуш боласини қутқариш учун ўзини челакка урган ва иккови бирга нобуд бўлган... Ичимдан бир титроқ нидо силқиб чиқди. Она! Полопон билан бирга сувга ғарқ бўлган қуш — Она!

Ажаб, шу онгсиз, тилсиз чумчуқ ҳам ўз дилбандига юрак меҳрини сақлаб яшар экан-да! У полопонининг қандай бўлиб улғайишини орзу қилган экан? Сувга ғарқ бўлиб жон таслим қилаётган қушча жисмида она ўз келажаги ҳалок бўлаётганини билибди ва умид-орзусини қутқараман, деб ўзи ҳам жон таслим қилибди. Муштдек қушнинг бундай фидойилиги челакка сиғмай, ундан тошиб, балки бутун боғни тутиб ётарди... Беихтиёр бу манзарага қараб анча қолиб кетдим. Бу жанггоҳ қошида — уйчумчуғи ва полопон — ажал ва меҳр ўртасида бўлган кураш майдони қошида гўё михланиб қолдим. Уларга ачиндим, ғамгусор бўлдим. Бола қуш онасининг ўзини деб сувга тушганини билдимикан? Балки билмас. Шунда беихтиёр пичирладим: "Биз — болалар! Кўп нарсадан бехабар қоламиз..."

Муштдек жисмидаги бир олам меҳр гарчи идишдаги ажалдан устун кела олмаган бўлса ҳам, қушнинг жасоратига тан бериш керак. Унинг фарзанди учун фидойилиги тасаввуримдаги Она тимсолини, Она образини яна ҳам ёрқинлаштирди, мукаммаллаштирди.

Мутаассир бўлиб, оғир қадамлар билан боғдан чиқиб кета бошладим. Яна қари тутга, салобатли ёнғоққа, олча, зардолиларга боқдим. Уларнинг ҳар бири тирик мавжудотдек кўринди менга. Оёғим остида шиғирлаб эзилаётган майсалар ҳам тирик мавжудот: ҳар бирининг ўз қўшиғи, ўз дарди бор. Қани биз буларнинг барчасини тушуна олсак!

Табиат ҳикматларга тўла китобга ўхшайди.

Ҳаким САТТОРИЙ

МАДАНИЯТ

1 АПРЕЛЬ — КУЛГИ ВА ҲАЗИЛ КУНИ

Ҳазил ўзи нима? Касбим тақозоси билан кўп йиллардан бери бу саволга баҳоли қудрат жавоб излайман. Кулги дарғалари, қизиқчилар, аскиячилар, қўйингки, турли касб-кордаги турфа инсонларнинг ҳазил ҳақидаги ҳар хил фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутаман. Маъқулларини ён дафтарга ёзиб қўяман.

Яқинда баҳонаи сабаб билан ён дафтарни варақладим. Қарасам, ҳазил-ҳазил билан ҳазил ҳақида анча-мунча гаплар йиғилиб қопти. Мулоҳазаларини билдирган сўз усталарининг айримлари бугун ҳаётда йўқ. Аммо айтган гаплари худди кечагидек қулоғим остида жаранглаб турибди. Шуларни саралаб, ҳукмингизга ҳавола қилишга жазм этдим. Танишинг: ҳазил ҳақида ким қандай фикрда?

Наби РАҲИМОВ, халқ артисти:

— Ҳазил бу ҳамма дилларни очадиган олтин калит... Энг баджаҳл, димоғдор бюрократнинг ҳам ҳузурига кириб, иккита ҳазил қилиб кулдирсангиз, ишингиз бемалол битади.

Раззоқ ҲАМРОЕВ, Ўзбекистон халқ артисти:

— Ҳазил ҳаммага ёғдек ёқади. Ҳазилдан кўнглим кўтарилган чоғларда рўмолчамнинг учини тугиб қўярдим. Қарасам, учи тугук рўмолчалар кўпайиб кетибди. Ҳазил менга асқотди. Хўжа Насриддин ролини қийналмай ўйнадим.

Ғанижон ТОШМАТОВ, таниқли бастакор, аскиячи:

— Ҳазил ҳам одамлар кўнглини овлашнинг бир тури. Иккита ҳазил қилиб одамларни кулдирсангиз, уларнинг кўнгли тоғдек кўтарилади. Ҳазил ҳам савоб!

Раҳима МАЗОҲИДОВА, Ўзбекистон халқ артисти:

— Халқимизнинг ҳазил лапарларини куйлаганимда мазза қиламан. Бу ҳазил қўшиқларни одамлар эшитиб, яйраганларини кўрсам, янада завқ оламан. Ҳазил қўшиқларимиз, лапарларимиз кўпаяверсин, бўйидан.

Жўрахон ПЎЛАТОВ, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, аскиячи:

— Мен ҳазил-мутойибани Аллоҳ томонидан берилган бебаҳо неъмат деб биламан. Ҳазил ҳам юққанга юқади. Ҳазил ёқмасларни кўриб, шундай неъматдан бебаҳра қолаётганларига ачинаман.

Эркин УСМОНОВ, ёзувчи:

— Иссиқ жонмиз, гоҳо-гоҳо шифокорга ишимиз тушиб туради. Дўхтир дори ёзиб беради. Қачон, қай тартибда, овқатдан олдинми, ё кейин ичиш лозимлигини, тушунтиради. Шу қоидага риоя қилиш керак бўлади. Ҳазил ҳам шундай. Ҳазилда ҳам маълум қоида бўлгани маъқул. Қуюшқондан чиққан ҳазил — зил бўлади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ, республикада хизмат кўрсатган журналист:

— Ҳазил яхши нарса. Беғубор, самимий ҳазил инсон кўнглини яйратади, кайфиятини кўтаради. Аммо совуқ ҳазилдан Худонинг ўзи асрасин!

Карима НАСРИДДИНОВА, олий тоифали ўқитувчи:

— Ҳазил ҳам тарбиянинг бир тури. Мен ўқувчиларим дарс тайёрламай келишса ҳам сира уришмайман. Гапни ҳазилга бураман. Ҳазиломуз танбеҳ бераман. Уйга вазифа қилиб, иккита латифа ўрганиб кел, дейман. Шундай қилиб, синфимизда ҳамма хушчақчақ, ҳазилкаш, аълочи бўлиб кетишди. Бу ҳам ҳазилнинг кучи.

Эркин КОМИЛОВ, халқ артисти:

— Мен анжанча ҳазил-мутойибани доим қўмсайман. Андижонга борсам, қип-қизил қовурма паловни ошналар билан ошаб, мазза қилиб ҳазил-ҳузул қилишдан яйрайман. "Биз йиғлаган оқшомлар" шунда "Биз кулган оқшомлар"га айланади. Ҳазил — бу ҳузур!

Саида РАМЕТОВА, республикада хизмат кўрсатган артист:

— Тонгда келин саломни ўтказиб қайтсам, келиним ҳовлини супуриб, сув сепаётган экан. Нонушта ҳам тайёр.

— Вой айланай, келинпошша, ҳаммаёқни супер қилиб қўйибсиз-ку! — десам:

— Келинингиз ҳам супер келинчак-да, — дейди.

Келинимнинг бу ҳазили иккаламизнинг ҳам кайфиятимизни кўтарди. Бизда нонушта доим мана шунақа ҳазил-ҳузулдан бошланади. Ҳазил мен учун бойлик!

Муҳаммаджон ШОКИРОВ, бастакор, республикада хизмат кўрсатган артист:

— Ҳазил — завқ-шавқ олувчилар учун хушчақчақ ҳамроҳ. Дўстлар даврасида ҳазил-мутойиба бошланса, Ориф гармондай очилиб кетаман. Ҳазил — хушчақчақлик белгиси!

Анор НАЗАРОВ, бастакор, санъат арбоби:

— Меҳр қўшилган тоза ҳазил танни тозалайди. Тоза, самимий ҳазиллар ҳароратли қўшиқлар ёзишимга илҳом беради.

Эргаш КАРИМОВ, Ўзбекистон халқ артисти:

— Мана, бир неча йиллардан бери ҳазил-мутойиба ичида юрибман. Ҳазилдан қанд еган пайтларим кўп бўлган. Аммо, панд еган кунларим ҳам бор. Ҳазилга эҳтиёт бўлиш керак.

Ашурали ЖЎРАЕВ, ёзувчи:

— Афсуски ҳазилни ҳажв деб, танқид деб тушунувчилар ҳам топилади. Ўта жиддийлашиб бориш оқибатида айрим одамларимизда ҳазил туйғуси сустлашиб кетаяпти, назаримда. Баъзан бундайларга оддийгина ҳазил қилиб балога қолиб кетиш ҳам ҳеч гап эмас.

Билол АМИНОВ, олим:

— Ҳазил-мутойиба табиат томонидан инсонларга инъом этилган бебаҳо эҳсон, буюк неъмат! Ҳазил — бу ҳикмат!

Обид АСОМОВ, таниқли қизиқчи:

— Мен одамларга ҳазил-мутойиба улашиш учун дунёга келганман. Ҳазил — менинг ҳаётим. Катта-катта концертларда тингловчиларни кулдириб, ҳазил улашиб чарчаб-ҳориб уйга келганимда, қафасдаги ҳамма тутиларим мендан ҳазил-мутойиба кутиб кўзларини лўқ қилиб туришади. Ҳозир тутиларга ҳам ҳазил улашаяпман. Мана "шустрий" оқ тутим ҳозир мен билан бемалол ҳазиллашадиган бўлган. Яшасин, ҳазил!

Ҳазил нима? Бу саволга турли касб-кордаги инсонларнинг турфа жавоблари билан танишдингиз. Кўрдикки, ҳазил ҳақида ҳар кимнинг фикри ҳар хил. Лекин хулоса битта:

Ҳазил ҳам туз мижоз, зарурдир меъёр,
Меъёрни бузишгач, панд еганлар бор!

Тўлан ТАҒАСТИ

Кулоккa чалинган гаплар

Мен шоир эмасман, ақалли шу шеъримни газеталарингда чиқарсаларинг бўлди. **(Ҳаваскор шоирнинг муҳаррирга дегани)**

Илгари менинг сочларим қуруқ ва жонсиз эди. Энди улар ҳўл ва қимирлаб-қимирлаб қўяяпти. **(Реклама ролигидан)**

Ювеннинг "Туринтус" (Туринннинг "Ювентус") жамоаси ҳужумда...

Ҳозир Насаф "Тўп" жамоасида эди. Йўғ-е, ҳозир тўп "Насаф" жамоасида эди. **(Спорт шарҳловчисининг айтганларидан)**

Ботинка (ботаника) боғида севгилим билан айландик. Қулоқларни (қолоқ) тарбиялаш керак. **(Мусаҳҳиҳ янглишганда)**

Онаси ўпмаган дейишганди, ҳақиқатан онаси ўпмаган экан, "зато" шаҳарнинг ярми ўпган экан. **(Улфатлар гурунгидан)**

Нарх-наво гўёки бировнинг боласи, ўсиб кетганини сезмай ҳам қоласан. **(Харидорнинг ҳасрати)**

Бир устозимиз кўкатлардан, баҳорги майсалардан илҳом олармиш. Аммо мен бир нарсага ҳайронман, шунча кўкат ва майса ҳидласа ҳам менинг ҳўкизим бирор сатр ёзмаган. **("Жўқи" шоирнинг хатидан)**

Уч нарса одамни хароб қилур зино, вино ва кино. **(Бир "файласуф" талабанинг фикри)**

Элбек ЖУМАНОВ тайёрлади.

Ибрат

КУНЛАРДАН БИР КУН

1966 йилнинг ёзи эди. Абдулла Қаҳҳорнинг уйига меҳмонга борганимни эшитган ёзувчи Тўлепберган Қаипбергенов мендан сўради:

— Столда ароқ бўлдими, йўқми?

— Йўғ-е, Тўлепберган оға. Фақат ош бўлди. Гурунглашдик. Сиз ҳақингизда у киши "Унда ёзувчиликнинг ўткир кўзи бор, адабий деталь топишга уста" деб баҳо бердилар.

Т.Қаипбергенов мамнуният билан жилмайди:

— Ҳа, ҳа. Устоз бўлгандан кейин тарбия масаласини унутмаган-да. Мен ҳам меҳмонга борганимда столда ароқ йўқ эди, — деди.

Устознинг жавоби

Талабалигимизда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказиладиган адабий учрашувларда атоқли ёзувчи, шоирларни кўриб, сўзларини эшитиб ғоят ҳаяжонланардик, севинардик.

Шундай учрашувларнинг бирида Абдулла Қаҳҳорга кимдир:

— Абдулла ака, айтинг-чи, сиз негадир уруш йилларида кампирлар, хотинлар ҳақида кўп ёзгансиз. Бунинг боиси нимада, деб нозикроқ савол бериб қолди.

Устоз адиб мийиғида кулиб, шу заҳоти жавоб қайтарди:

—Ўзларингиз биласизлар, уруш даврида ишга яраймиган эркаклар фронтга кетишди. Завод, фабрикаларда, пахта далаларида ва пилла, ғалла етиштиришда хотин-қизлар ишлашди. Ўшанда кампирлар ҳам бекор ўтиришмаган, фидокорона меҳнат қилишган. Шундай экан, шижоатли, юрагида ўти бор кампирларга ўзим қарамасам, ким қарарди, ахир!

Ғойиб ЁҚУБОВ

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИКОВ чизган сурат.

Изоҳга ҳожат йўқ...

"Телба" — хоним сотадиган йигитлар бой қизларга ошиқ бўлмагани маъқул, акс ҳолда охири ишкал бўлади. Сомса сотадиган қиз бўлса бошқа гап.

"Суюнчи" — оилавий футбол жамоасига Қўзивойга ўхшайдиган легионерларни жалб қилиш яхшиликка олиб келмайди, агар у ён қўшнининг боласи бўлса ҳам. Чунки "Akfa" ойна фалон пул туради.

"Қайтар дунё" — соқол қўйиб, сочингизни бошқача тарасангиз қўшниларингиз ҳам танимайди. Ҳатто овозингизга ҳам эътибор беришмайди. Ишонмасангиз, Абдуллага ўхшаб, буни синаб кўринг.

"Шум бола" — олма пишган бўлса, бой отага sms юборган маъқул. Бой ота минг йилда ҳам "иннанкейинчи", деб sms ёзмайди, чунки унинг нархи 0,75 $.

"Осмондаги болалар" — трамвай ҳайдовчиларига илтимос: тормози ишламайдиган трамвайларнинг эшигини ёпиб қўйинг, кечқурунлари болалар кириб ухлашмасин.

"Яратганга шукур" — лагандаги ош тугамагунча, дунёда мўъжиза борлигига ишониб туринг, йўқса лаган ошни кўтариб учиб кетади.

"Абдуллажон" — чивин-пашшаларни асло ўлдирманг, акс ҳолда кетмонингиз ўчмай қолади.

Ҳамза ЁҚУБОВ

ХАНГОМА

Отанинг синови

Ўзининг шумтакалиги билан бутун маҳаллага машҳур бўлган Оқилбой бугун негадир ҳар кунгидан бошқачароқ кўринади. Жуда хушмуомала бўлиб қолган. Кун бўйи ҳеч кимнинг кўнглига ҳам озор бермади ҳисоб. Айтсам ишонмайсиз, ҳар гал уни чақираверсиз овози бўғилиб қоладиган ойиси гапиришга чоғланди дегунча "лаббай" деб ўрнидан туради. Агар бирор зарур иши чиқмаса, у ҳафталаб отасига қорасини кўрсатмас эди. Бугун эса минг бир баҳона билан кўриниш бераяпти. Нега тўсатдан бунчалар ўзгариб қолди, демоқчимисиз? Ота-онаси уни уйлантиришмоқчи-да! Эрталабки нонушта пайти отаси бу ҳақда гап очганди. Ростдан ҳам, энди у кап-катта йигит — ўн олтига кирди. Тўғри, бир-икки йил сабр қилиши ҳам мумкин эди. Лекин отаси ҳеч унамаяпти-да. Хуллас, бўлажак "куёв" кун бўйи ҳар хил ўйлар қуршовида юрди. Ўғлининг бундай ҳолатидан безовта она "Боламнинг бекорга кўнгли ўксийди, қўйинг энди" дегандай бошини сарак-сарак қилади. Ота эса кўрсаткич бармоғини лабига босиб, "жим" дейди.

Шундай қилиб, кун қорайди. Оила аъзолари кечки овқатга жамулжам бўлишди. Ҳадеганда катталардан садо чиқавермагач, "куёв"нинг ўзи гап бошлашга мажбур бўлди: "Мен сизларнинг сўзингизни кўпинча ерда қолдирардим, қулоқсизлик қилардим. Аммо бугун гапингизни икки қилишга ботинолмаяпман".

Дала ишлари билан бўлиб, ушбу "ҳангома"ни унутган ота "Нимани айтаяпсан, ўғлим?" деб сўради. Оқилбой: "Дадам мени хижолатга қўйгиси йўқ, шекилли" деб секингина онасига юзландида, кўз остига олиб юрган қизнинг расмини чўнтагидан олиб узатди:

— Ойи, келин излаб овора бўлманг, дегандим. Менга шу қиз маъқулроқ,— деб қўйди у паст овозда.

— Эй, ўғилтой, биринчи апрель ҳазили эди бу. Қани, дарров хонангизга кириб ухланг-чи, — деди отаси кулиб.

Оқилбой хонасига кирар экан, унинг кўзларида негадир ёш милтиллай бошлаган эди.

Зебо ҚУТЛИЕВА

Оқ копток

Машҳур "Оқ тулпор" қўшиғига пародия

Оқ коптогим бор эди
Зидан унга зор эди.
Тўп демасдим, у менга —
Ҳам дўст-у ҳам ёр эди.

Уйимизга бир оқшом
Қариндошлар келишди,
Тўй баҳона тўпимдан
Айирмоқчи бўлишди.

Отам: "Йигитсан, ўғлим:
Уйланмасанг — ор, — деди
—Ҳотин яхши тепишга
Тўпга нима бор", — деди.

Ёрдан кечдим, копток деб
Элга бўлдим эрмаклар.
Футбол қадрин билмайди-да,
Тўп тепмаган эркаклар!

Футболчи бўлолмаган тўпгепар
Ҳасурбек ТСМОНОВ

СПОРТ

НИҲОЯТ, ҒАЛАБА

Ўтган шанба куни футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида бўладиган Жаҳон чемпионати саралаш учрашувида Қатар терма жамоасига қарши тўп суриб, йирик ҳисобда ғалаба қозонди.

Кутилганидек, футболчиларимиз ўйинни шиддат билан бошлашди. Дастлабки дақиқалардан ҳужумга зўр берган терма жамоамиз вакиллари бутун ўйин давомида устунликни қўлдан беришмади. Анча вақтдан бери рақиб дарвозасига тўп кирита олмаётган футболчиларимиз Қатар терма жамоаси дарвозасига жавобсиз тўртта гол уришди. Ушбу голларнинг учтасига ёш умидли ҳужумчи Фарҳод Тожиев муаллифлик қилган бўлса, яна биттаси тажрибали футболчи Анвар Солиев ҳисобига ёзилди. Ушбу зафардан кейин миллий терма жамоамиз гуруҳда тўплар нисбатига кўра, учинчи ўринга чиқиб олди.

Бугун эса миллий терма жамоамиз меҳмонда Австралия термаси вакилларига қарши майдонга тушади. Агар мазкур беллашувда ҳам зафар қозонилса ёки дуранг натижа қайд этилса, ЖЧ-2010га йўлланмани қўлга киритиш имкониятимиз анча ошади.

КЛИЧКОНИ БОЖХОНАДА ТЎХТАТИШДИ



Машҳур украиналик боксчи, ўта оғир вазн тоифасида WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони Виталий Кличко пайшанба куни Германиянинг Франкфурт шаҳри аэропортида божхоначилар томонидан тўхтатилиб, шахсий юклари текширувдан ўтказилди.

Боксчи Германияга акаси IBF ва WBO йўналишлари чемпиони Владимир Кличкони туғилган куни билан табриклаш учун борганди. Шаҳар депутатлари йиғилишида иштирок этган Виталий Кличко тўғри Киевдан учиб келаётганди. Уни аэропортда иккита божхона ходими тўхтатиб, махсус хонада юкларини текширувдан ўтказди. Божхоначилар эътиборини тортган нарса боксчидаги қимматбаҳо IBF қўл соатлари ва Montblanc сумкаси бўлган. Ҳеч қандай ноқонуний нарса топилмаганидан кейин спортчи қўйиб юборилган.

— Мен божхоначиларга контрабандага ҳеч қандай алоқам йўқлигини айтдим, — дейди у журналистларга берган интервьюсида. — Соатларни эса икки йил муқаддам Laureus-Sport-Award компаниясидан олгандим.

Виталий Кличко божхона ходимлари устидан шикоят қилиш учун адвокати билан учрашишга ҳам улгурган.

КУЧЛИ ТЕННИСЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Аёллар теннис ассоциацияси (ВТА) ўз номинациялари бўйича ўтган мавсумнинг натижаларига кўра ғолибларни эълон қилди. Тақдирланганлар орасида иккита россиялик спортчи ҳам бор. Улардан бири Елена Дементьевадир. Олимпиада чемпиони ҳисобланган ушбу спортчига ассоциация томонидан спорт устаси унвони берилди. Хабарингиз бор, Елена Дементьева ўтган йил давомида учта мусобақада (Дубайда, Люксембургда ва Пекин олимпиадасида) ғолиб бўлиб, ВТА рейтинг жадвалида тўртинчи ўринга кўтарилиб олганди. Бундан ташқари, у Уимблдонда, Дохада ўтказилган мусобақаларда ва US'Open теннис турнирининг ярим финал баҳсларида кортга чиққан.

Яна бир россиялик теннисчи Динара Сафина эса "Йил кашфиёти" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. У мавсумни дунёнинг ўн бешинчи ракеткачиси сифатида бошлаб, йил охирида иккинчи ўринга чиқиб олишга эришган. Шунингдек, Динара Сафина ўтган йили тўртта турнирда зафар қозониш билан бирга «Ролан Гаррос» турнири ва Олимпиада ўйинларининг финал баҳсларида қатнашган.

ВТАнинг "Йил ўйинчилари" номзодларига яккалик баҳсларда америкалик Серена Уильямс, жуфтлик баҳсларида Лизель Хубер (АҚШ) ва Кари Блэк (Зимбабве) муносиб деб топилган бўлса, хитойлик Цзи Чжэн яна теннисга қайтган спортчи дея эътироф этилди. Сербиялик Ане Иванович эса йил давомида энг кўп хайрия қилгани учун тақдирланди. Даниялик Кэролин Возняцки "Йил янгилиги" деб тан олинди.

Аэим РЎЗИЕВ тайёрлади.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Элбек ЖУМАНОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.20

® — тижорат белгиси.

Адади: 14050 Буюртма — Г-354 2345678